



МАРРИФАТ • ХАЛК ЗИЁЛПИЛАРИ ГАЗЕТАСИ

Ma'rifa

1931 йилдан чиқа бошлаган

2001 йил 14 июль, шанба

Баҳоси сотувда эркин нархда

№ 55 (7354)



Ёз фаслининг қуёшли кунларида тог ён бағида жойлашган сўлим оромгоҳларда дам олиб, тошдан тошга урилиб, ўйноклаб оқаётган анхор сувларида чўмилишнинг ўзгача гашти бор. Айтиш мумкини, пойтахтимизнинг хушҳаво масканларидан бири бўлган "Лочин" болалар оромгоҳида шу кунларда мириқиб ҳордик чиқараётган 360 ўкувчи ана шундай табият манзараларидан баҳраманд бўлмоқдалар. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Миллий университети касаба ўшмасига қарашли мазкур дам олиш масканида бундан ташқари ҳордик чиқарувчилар ўзлари учун муассасалар томонидан ташкил этилган турли спорт, музика, ашула ва рақс, ёш рассомлар каби тўғаракларда ҳам қатнашиб, дам олиш вақтларини мазмунли ўтказишмокда. Ҳозирда оромгоҳ болалари гурухларро ўтказилиши кутлаётган "Ўзбекистон— Ватаним маним" кўрик-тандловига тайёргарлик кўриштаёт.

Суратларда: оромгоҳ болаларининг тўғаракдаги машғулотлари акс этган. Р.АЛЬБЕКОВ олган суратлар.



Mehmonxona
Обид АСОМОВ:
ЎҚИТУВЧИЛАРИМ ОРАСИДА
МЕНГА ЁҚМАЙДИГАНИ
БЎЛМАГАН
5-бет

Insho
ОРОЛ МАДАД
СЎРАЙДИ
8-бет

«Tanklar ichida
eng muloyimi»
9-бет

Нобель
мукофоти
соҳиблари
13-бет

УЛАРГА
МАЗЗА БЎЛГАН
ЭКАН
16-бет

Men mustaqillikni qanday tushunaman?

ЁШЛАР ФИКРИ

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН, ТАРБИЯ ТОПАЁТГАН, ДУНЁҚАРАШИ ШАКЛЛАНАЁТГАН МИЛЛАТ ФАРЗАНДЛАРИ БУ ТАРИХИЙ ДАВР ҲАҚИДА ҚАНДАЙ ФИКР ЮРИТМОҚДАЛАР? АЛБАТТА, БУ САВОЛ ҲОЗИР НАФАҚАТ ЁШЛАРГА, БАЛКИ АҲОЛИНИНГ БАРЧА ҚАТЛАМЛАРИГА НИСБАТАН БЕРИЛИШИ ТАБИЙИ.

"МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ЎН ЙИЛЛИК ЮТУКЛАРИ"—Ўзму қошидаги Собир Раҳимов академик лицейида ҳудди шу ном остида давра сұхбати бўлиб ўтди. Асосан лицейнинг I-курс ўқувчилари қатнашган бу давра сұхбатида юқорида тилга олинган савол асосий мавзу сифатида болалар дикқат марказида бўлди. Куйида эътиборингизга уларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини ҳавола қиласиз.

Азиза ҲАЙДАРОВА:

—Истиқлоннинг ёруғ тонги Ватанимизга, биз — ёшларга жуда кўп имкониятларни тухфа ишти. Биз ўз сўзимизга, йўлнимизга эга бўлдик, эркин фикрлашга, ташаббускорликка, ижодкорликка, олдимизга аник-равшан мақсадлар кўшишга ва шу мақсадларни амалга оширишга ўргандик.

Айниқса, ёшлар учун ҳамма дарвозалар очиб қўйилди. Жаҳон андозаларидаги жиҳозлар билан таъминланган академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ишга туширилганлиги, "Умид" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаолияти юқоридаги фикрнинг исботидир. Буларнинг ҳаммаси учун биз Ватанимиз олдида қарздормиз. Ўзбекистонни янада гуллаб-яшнашига, ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишига интилиш — бизнинг бурчимиз.

Севара ФАХРУДДИНОВА:

—Ўтмишда ўзбек ҳалқи жуда оғир кунларни бошидан кечирган: Чор Россиясининг мустамлакачилик зулми, Шўролар зуғуми, қатағонлар, паҳта яққоҳимлиги... 130 йилга чўзилган бу зулмат давомида ўзбек ҳалқи доимо ёруғ кунлар

келишига умид қилиб яшади ва унга 1991 йил 31 августда эришиди. Шу кундан бошлаб дунё ҳаритасида янги пайдо бўлди. Тез орада 180 дан ортиқ давлат мустақиллигимизни тан олди. 80 дан ортиқ давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти олдида обрўси кун сайин ортиб бормоқда.

Тоҳир БОБОХЎЖАЕВ:

—Республикамизда болаларга, ёшларга берилётган эътибор жуда катта. 2000 йил "Соғлом авлод йили", 2001 йил "Оналар ва болалар йили" деб ёзлон қилиниши фикримиз исботидир. Бу йилларда ёшлар ва болаларнинг моддий, маънавий баркамоллиги учун олиб борилган ишларни гапирадиган бўлсак, алоҳида китоб бўлади.

Нодир ТОШПЎЛАТОВ:

—Кейинги йилларда мағкуравий тарбияга эътибор кучайди. Чунки ҳозир қурол-аслаҳа ҳужумларидан даҳшатлироқ бўлган мағкуравий таъсирлардан ҳимоялайдиган мағкуравий иммунитет ҳосил қилиш, айниқса ёшлар учун зарур. Миллий истиқлол ғояси ҳар бир тарих, адабиёт дарслари орқали бизга сингдирилмоқда.

УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Олий судида Хитой Ҳалқ Республикаси Олий суди рацисингин ўринбосари Чжу Миншан раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда ҳар иккала давлат ўртасида судлов маҳкамаларининг ҳамкорлиги, ўзаро тажриба алмасиши, қонунчиликни мустаҳкамлаш борасидаги алоқаларни ривожлантиришга оид масалалар муҳкама килинди.

ФЕСТИВАЛЬ

Корақалпогистон Республикасида

СҮНГГИ УЧ КУН МУЖДАЛАРИ

Чоршанба
Пайшанба
Жума

"Экосан" жамғармаси, ЮНИСЕФ ва бошқа қатор ҳалқаро ташкилотлар, дипломатик корпуслар тоғонида Бутунжаҳон аҳолишунослик кунига багишланган иккى кунлик экология фестивали бўлиб ўтиб, унда Оролбўйида юзага келган экологик вазиятларни бартараф этиш йўллари кўриб чиқилди.

ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тасарруфида Юристлар малакасини ошириш маркази ҳамда БМТнинг ЮНИСЕФ (Болалар фондни) ташкилоти ҳомийлигида ўтказилаётган "Ювенал юстициянинг ҳукукий асослари" мавзуидаги тренингда тингловчилар бола ҳукукларини ҳимоя қилувчи ҳалқаро меърий хужжатлар мажмую ҳамда ҳалқаро механизmlари билан танишишмокда.

ТАШХИС МОҲИЯТИ

Мустакил Ватанимизнинг ке-
лажаги кўп жиҳатдан ёш авлод-
ни қандай тарбияланишига боғ-
лик. Бу ўз навбатида таълим ти-
зимининг самарали ва серкир-
ра усуларини белгилаш ва, ай-
ниқса, кичик ёшдаги болаларни
бошланғич мактаб таълимига
талаб даражасида тайёрлаш
муаммосини ижобий ҳал этиш
вазифасини кўймоқда.

“Таълим тўғрисида”ги қонун-
га мувофиқ 1-синфга 6-7 ёшли
болалар қабул қилинади. Мак-
табга қабул қилинадиган 6 ёшли
болалар эса, туман ҳалқ таъли-
ми бўлими қошидаги психоло-
гик-педагогик ташхис маркази
мутахассислари кўригидан ўтиш-
лари лозим. Чунки боланинг
мактабда муваффакиятли ўқиши
мактабгача даврдаги тайёргар-
лик даражасига, соғломлигига
боглик.

Акмал Икромов туман ҳалқ
таълими бўлими ташхис марка-
зига ота-оналардан фарзандла-
рини 6 ёшдан бошлаб мактаб-
га бериш мақсадида психологик-
педагогик кўрикдан ўтказиб 1-
синфга тавсия беришимизни
сўраб кўпгина аризалар туша-
ди. Бироқ ҳамма аризаларни

бирдек кондириш мумкин эмас.
Чунки биринчи навбатда, болал-
лар тиббий кўриқдан, логопед, пе-
дагог ва психолого каби малака-
ли мутахассислар сухбатидан
ўтказилиди. Бунда болалар Респу-
блика Ташхис маркази томо-
нидан тасдиқланган “Керен-Ира-
сек методикаси” топшириклари-
ни бажариши, мактабгача ёш-
даги болалар таълим тарбияси-
га қўйилган давлат талабларига
мос равишда теварак-атроф, та-
биат, ижтимоий ҳаёт воқеалари
доирасида берилган саволларни
тушуниши, уларга тўғри жа-
воб бериши лозим.

6 ёшли болалорнинг ҳамма-
си юқорида кўрсатиб ўтилган та-
лабларга тўлиқ жавоб беради
деб бўлмайди. Боланинг соғли-
ги, психолого-педагогик, дефек-
толого-жиҳатдан мактабга тай-
ёргарлик даражаси ўқишига олинмай
ялписига 1-синфга қабул қилиш унинг асабига ва
ҳар томонлама ривожланишига
зарар етказиши билан бир
қаторда ўқиши ўзлаштира олмас-
лигига ҳам сабаб бўлади. Бошк-
ача қилиб айтганда, тегиши
билим ва кўникмаларга эга
бўлмай туриб, бола ақлий жи-

хатдан ривожланмайди. Ҳар бир
ота-она, албатта, ўз боласини
аъло баҳоларга ўқишини хоҳлайди,
уни имконият ва лаёқатини
хисобга олмасдан кўпроқ дарс
тайёрлашга мажбур қилади.
Ўртоғи ёки синфдоши ўқиши
ўқишини айтуб, болага танбех
берадилар. Ваҳоланки, ўша съло-
чи ўртоғи ёки синфдошининг
мактабда ўқишига ҳар томонла-
ма тайёргарлик даражаси етук
эканлигини ота-оналар тан-
олиши хоҳламайдилар.

Хулоса қилиб айтганда, биз
ташхис маркази ҳодимларининг
асосий вазифамиз келажак ав-
лодни баркамол инсон қилиб
вояга етказиши эканлигини ёдда
тутган ҳолда психологик-педаго-
гик кўрикни тўғри ташкил қилиш,
6 ёшли болалорнинг мактабга тай-
ёргарлигини талаб даражасида
текшириб, холос баҳоласак, ота-
оналар ўз вактида мутахассис-
ларнинг маслаҳатларига, тавси-
яларига амал қилсалар фарзан-
дларимизнинг биздан кўра куч-
ли, билимли, доно ва, албатта баҳ-
ти бўлишларига ўз хиссамиз-
ни кўшган бўламиш.

Мактуба ФОФУРОВА,
Акмал Икромов туман ҳалқ
таълими бўлими ташхис
маркази раҳбари

Шу йилнинг 8 июль куни
Чимён туркомплексида ёзги
мактаб иш бошлади. Информа-
цион технология ва таълим
муассасаларида масофадан
туриб ўқитиши ривожланти-
риш маркази ҳамда Олий ва
ўрта маҳсус таълим вазирли-
ги, Очиқ жамият институти
“Кўмак” жамғармаси ҳамкор-
лигига ташкил қилинган бу
мактабни очишдан асосий
мақсад, тингловчиларни

レスпублика жамғармасининг
профессорлари, домла ва му-
тахассислари олиб бормоқ-
да.

Мактабни битирган ва
мўлжалланган барча вазифа-
ларни бажарган тингловчи-
лар сертификатга эга бўла-
дилар. Ба ҳар бир битири-
вчилар ўз шахсий режасида
курсатилган график асосида
ўзларининг электрон ўқув
курсларини ишлаб чиқи-
ши.

ЁЗГИ МАКТАБ ЧИМЁНДА

электрон курсларни ишлаб
чиқиш методикаси билан та-
нишириш, тажриба алма-
шиш ҳамда тингловчилар-
нинг ўзлари томонидан мута-
хассисликлари бўйича шун-
дай курсларни ишлаб чиқи-
шига эриши.

Машгулутларни Жаҳон бан-
ки институти (Вашингтон,
АҚШ), Санкт-Петербург дав-
лат иқтисод ва молия универ-
ситети (Россия), Олий ва
ўрта маҳсус таълим вазирли-
ги, Тошкент Давлат иқтисоди-
ёт университети, Тошкент
Давлат техника университети,
Тошкент алоқа электро-
техника институти, Тошкент
молия институти ва “Устоз”

мажбуриятини оладилар.
Ёзги мактаб хулоса сига кўра
битириувчилар ўз ўкув муас-
сасаларида 2001-2002 ўкув
йилининг сентябрь-октябрь
ойларида 2-3 кунлик семинар
ва маърузалар ўтказиш-
лари шарт.

Мактабни муваффакиятли
тутатиб сертификат олган
tinglovchilar кейинчалик ўз
олий ўкув юртларида масо-
фадан туриб ўқитиши тизими
асосида машгулутлар ўтка-
зиши, шунингдек, ўқитиши ме-
тодикаси бўйича мультипла-
ти мумкин.

Н.СОДИҚОВ,
ТДИУ доценти

Оммавий ахборот восита-
лари ҳамда матбуотнинг жа-
мият тараққиётидаги ўрни
бекиёс. Қолаверса, улар мағ-
куралар кураши майдонида
ўзига хос курол. Ҳозирча унга
бас келадиган рақобатчи йўқ.
Шундай экан, бу соҳага буй-
руни бажарадиган «аскар»
эмас, эркин фикрлайдиган,
профессионал кадрлар ке-
рак. Айниқса, бугунги ривож-
ланиш йўлидан бораётган дав-
латимиз учун, катта-катта мағ-
куралар кураши авж олган
даврда омма онгини тарбия-
лашда, йўналтиришда улар-
нинг аҳамияти нечоғлик бўли-
ши лозимлигини ўқишига ол-
сак, юксак савияли шахс да-
ражасидаги журналистларга
эҳтиёж қанчалик эканлигини
англеш қўйин эмас. ОАВ ва
матбуотни “тўртини ҳокими-
ят” дейишнинг боиси ҳам
шунда. Дарҳакиқат, у шундай
даражада бўлиши лозим. Бу-
тун дунёда бўлгани каби Ўзбе-
кистонда ҳам ОАВни эркин-
лаштириш, фаолиятини кучай-
тиришнинг ҳуқуқий асосла-
ри ишлаб чиқилди. Бу масала
ҳукуматимизнинг доимий
дикқат ўтиборида. Эндиғи
гап эркин ва кенг фикрлайди-
ган, профессионал журна-
листлар тайёрлаш ва қайта
тайёрлашда.

Максад—ҳаракат дояси.
Истироҳат хаёли одамни
бокқа, егулик хаёли ошхона-
га етаклайди. Илм олиш ис-
таги ёшларни олий ўкув юрт-
ларига чорламоқда. Аммо
иммум уммон кабидир. Ҳамма-
сига эришолмайсан.

Оч одам чучвара, шўрва, па-
лов ёшиши истайди. Шулар-
дан бирини эса, қорни тўяди
ва қолгандарини истамай
қолади. Демак, ҳақиқат бит-
та—очлик.

Ҳақиқат—бир, унга эришиш

йўллари минга. Йўллардан би-
рини танлаш лозим. Максад—
имм экан, одам ўз имконияти,
эҳтиёжи, лаёқатини ўқишига ол-
ган ҳолда йўл танлаши керак.
Болалик орзуларини аксар
ҳавасга йўямиз. Бироқ ўша ҳавас
вақти келиб истакка, мақсадга
айланади.

Албатта, 7 ёшдаги ҳавас би-
лан 17 ёшдаги ўтасида фарқ
катта. 17 ёща ҳавас мақсадга
айланиб ултурган бўлиши лозим.

Гапни узоқдан бошлашдан
мурод—бугун журналистика со-
ҳасида “адашган”лар пайдо
бўляяти.

комиллаштириш тўғрисида “ги-
қарори ҳамда Олий ва ўрта маҳ-
сус таълим вазирлиги томонидан
1999 йил 17 июлда қабул қилинган “Ўзбекистон Республи-
каси олий таълим муассасалари-
нинг “халқаро журналистика” ва
“журналистика” таълим йўна-
лишларига ўқишига қабул қилишда
иходий имтиҳон ўтказиши тар-
тиби тўғрисида Низом “га муво-
фиқ ЎзДЖТУ ва ўзМУ халқаро
журналистика ва журналистика
факультетларига талаба қабул қилишда абитуриентларни иходий
имтиҳондан ўтказиши бўйича
унга максимум 111,6 баллгача
кўйилади. Абитуриентлардан шу
сабаб иходий материаллар
қабул қилинмаяти?..

Иншо—иход. Албатта, иншо
ҳақиқат. Булар учун алоҳи-
да истеъод талаб қилинади.
Журналистика ҳам шундай.
Лўнда қилиб айтганда журфак-
да озми-кўпми иход қилишга
қодир, истеъод учунни бор
ёшлар ўқишилари керак. Шун-
дай бўлмас экан, журналисти-
ка факультетлари бирон-бир
соҳани чукур эгаллаш у ёқда
турсин, журналистика кўйилади-
ган бирламчи талаблар: ёзиш,
иход қилиш, янгиликни илғай
олиш, ҳодисани таҳлил қилиш
ва ўз баҳосини бериш лаёқа-
тидан йироқ, жамиятда ўз
ўрнини билмайдиган, ясама
журналистларни “тайёрлаб”
чиқаравериади.

Юқоридагилардан келиб
чиқиб, менда бир қатор савол-
лар түгилди. Келинг, биргала-
шиб уларга жавоб излайлик:
нега иккى олий ўкув юртида
деяғи бир хил йўналишидаги
факультетларга талаба қабул қилиш
талаблари иккى хил?
Нима учун матбуотда матери-
аллари чоп қилинмаган абиту-
риентларнинг ҳужжатлари жур-
налистика факультетига қабул қилина-
ти? Нега иккى олий ўкув юртида
деяғи бир хил йўналишидаги
факультетларга талаба қабул қилиш
талаблари иккى хил?
Нима учун матбуотда матери-
аллари чоп қилинмаган абиту-
риентларнинг ҳужжатлари жур-
налистика факультетига қабул қилина-
ти?

Оддий мантиқ: расм чизиши
ни билмайдиган бола рассомчи-
лик институтига, мусиқадан умум
бехабар киши эса консер-
ваторияга ўқишига кира олмасли-

ми? Нима учун журналистика
факультетининг баъзи талаблар
амалиётлари даврида биронта
хабар ҳам чоп өттиришламаятилар?
Нима учун журналистика факуль-
тети тутатиб ўзларнинг яримдан
кўпли бошқа соҳаларда ишлаш-
моқда?

**P.S. Абитуриентларнинг матбуот, телевидение, ра-
диода эълон қилинган материаллари қабул қилина-
ётган ЎзДЖТУда ҳам қабул комиссияси масъул коти-
бининг айтишича, агар режадагидан кам абитуриент
ҳужжат топширса, қабулнинг сўнгги кунларида
халқаро журналистика факультетига иходий мате-
риаллари йўқ, абитуриентларнинг ҳам ҳужжатлари
қабул қилиниши мумкин экан...**

Хусан НИШОНСОВ,
«Ma'rifat»нинг маҳсус мухбири

МАҚСАД БИТТА БИРОҚ УНГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛНИНГ ҚАЙСИ БИРИ ТЎФРИ?

Мазкур муаммонинг пайдо
бўлиши сабаби, аввало, олий
ўкув-юртларидаги журналистика
факультетларига талаба қабул қилишда
ўзига хос—иходий имтиҳонларга
етарлича ўтиборида. ЎзДЖТУни
нинг иходий имтиҳон 2 бос-
қичда ўтказилиши кўзда тутилган:
1-босқич иходий иншо
бўлиб, унга максимум 78,1 балл
кўйилади, 2-босқичда абитуриент
имтиҳоннинг матбуотда чоп этилган
эфирга узатилган журналистик
(публицистик) материаллари
чукур ўрганилиб, уларга тақриз
ёзилади ва мақолалар мавзуди
доирасида абитуриент билан
суҳбат ўтказилиб, максимум
33,5 баллгача баҳоланади. Буни
ЎзДЖТУ қабул комиссияси масъул
котиби Омон Мўминов билан 5 июль куни учрашгани
мизда буни тасдиқлади.

Ўзбекистон Миллий универ-
ситетига 5 ва 6 июль кунлари
иккى маротаба бориб, Низом

Қизиқчилик – санъат. Унинг мақсади кишиларга табассум улашиш. Кулиш осон, кулдириш қийин. Шу жиҳатдан олганда минглаб мухлислар қалбидан жой эгаллаган машхур қизиқчи Обид Асомовга ҳам осон тутиб бўлмайди. Ўзининг айтишига қараганда, меҳмонимиз уйига фақат ухлаш учун боради. Демак, кечаю-кундуз ишлаш, елиб-югуриш, ижод қилиш, изланиш... Бир лаҳза вақт ҳам хисобли. Бунинг исботи, Обид Асомовни уч ой деганда, зўрга "тутдик" ва бунинг маҳсули сифатида қуидаги сұхбат юзага келди.

Сиз қизиқчи сифатида кулгуга қандай таъриф берган бўлардингиз?

— Кулгу – жон озиғи, дейдилар. У одамотга сув ва ҳаводек зарур. Кулган кишининг умри эса узаяди, дейишади. Ҳозирги вақтда кулмасдан яшаб бўлмайди. Кулгуга таъриф беришда бир хил эътирофни келтирсан, хато килган бўламиш. Менинг заримда, кулгулар самимий ва соҳта бўлади. Албатта, биринчиси иккинчисидан устун келади. Чунки самимий муносабат сингари самимий кулгу ҳам барibir яхши-да, нима дедингиз?

Ўзингиз нимадан ва қачон куласиз?

— Қасбим қизиқчи бўлгани билан жиддий одамман. Мен болажонларимизнинг хатти-ҳаракат ва гап-сўзларидан завқ оламан. Уларда бошдан-оёқ табиийлик ёғилиб туради, сохталик кўрмайсиз. Ўғлим бир куни салом бермади, гўёки уни уялтиримоқчи бўлиб, "Ассалому алайкум!" десам, "Ваалайкум ассалом, катта ийгит бўлинг" деб қолса бўладими. Бунга кулмай бўладими? Бу билан у менинг бўйим пастлигига кулдими ёки кетталарга тақлид қилдими, ҳар тугул шундай деди. Эсласам, ҳамон кулгим қистайди.

Илк бор катта саҳнага чиқсан кунингиз ва ўша вақтдаги ҳолатингиз?

— Саҳна ҳаяжонга соладиган даргоҳ. Ҳозир ҳам саҳнага чиқиб, томошабин олдида гап айтиш олдидан ҳаяжон бўлади, бусиз иложи йўқ. Лекин сиз айтгандай, илк бор катта саҳнага чиқишининг ҳаяжони бошқача бўларкан. Катта концертимиз Талабалар шаҳарчасида бўлган эди, "Ватан" кинотеатридаги тетралаштирилган дастур ҳам хотираамда. Ҳозир аниқ эсимда эмас, қайси бири олдин, қайси бири кейин, катта аудиторияда, минглаб нигоҳлар кузатувида саҳнага чиқиш ҳар қандай одами ҳам ҳаяжонга солади. Саҳнага чиқиб, озрок мослашганимдан сўнг, ўзимни тутиб олдим-да, дадиллик билан ишга киришдим. Аммо концерт тугагунча томошабин ва ўзимнинг орамдаги масофа нақадар яқинлигини хисқилиб турганман. Бу масофа бир қадам, кулдириш керак, тамом-вассалом! Вақти-вақти билан даврада "турр" этиб кулгу кўтарилиб туриши, қарсак чалиниши менга куч-куват бағишлаб турган.

Сиз маълум ўшни "уріб" қўйган кишисиниз. Айтинг-чи, шу ўшга кириб, Сиз илгаган ҳикмат нима?

— Ҳаётнинг ўзи ҳикмат, ҳар қадам, ҳар бир воқеа-ҳодиса ҳикмат. Мен англаган ва катъий тан олган ҳикматлардан бири, ота-боболаримиз айтиб кетган гапларнинг барчаси тўғри эканлигидир. Бирортасини инкор этиб

бўлмайди. Мақолларимизни, ота-она ва фарзандлар орасидаги муносабатни, ирим-сирим ва ақидаларни олинг, қайси бири нотўғри? Улар мингминг йиллар мобайнида ҳаётдан ўз тасдигини топиб, бизгача етиб келган, бугунги кунда биз ҳам уларга тан берамиз.

Яна бир илғаган ҳикматим – ўзингга, ўз имкониятингга ишониб, таяниб яшаш! Бирор ишга уринсангира, натижага эришасан, тўғрими? "Олма пиш, оғизимга туш" билан хеч нарсага эришолмайсан...

Инсон қизиқ ҳилқатда, дам куллади, дам йифлади, ҳаёт ва муҳитнинг ўзи уни шакллантиради. Шу маънода қизиқчилик-

Меҳмонхона



кундда сенсация! Мен бундан хафа эмасман, биласизми, рекламада лаҳзалик ҳолатлар акс этиб, томошабинни холоса чиқаришга ундаши кепр! 30 дақиқада 3-4 та кадр намойиш килиниб, дейлик, унда лотерея сотиб олишнинг аҳамиятини етказишингиз лозим бўлади. Колаверса, масаланинг иккинчи томони бор, рекламаларим учун менга пул тўлашади. Реклама санъатини ҳар доим кузатиб бораман, Москва телевидениеси, Ўзбекистон ойна жаҳони, радио, хуллас, кўриб, эшишиб боришга ҳаракат киламан. Айрим фирмалар ўз

– Юқорида таъкидладим, яхши таклифлар бўлса, бажонидил бораман. Шу пайтга қадар 16 тача фильмда катта-қичик ролларни ўйнаб қўйдим. Кино тариҳда қоладиган нарса. Масалан, Фарзандларим, машхур актёрлар Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Лутфихоним Саримсоқовларни ҳаётда кўришмаган. Уларни кинолардан билишади. "Маҳаллада дув-дув гап", "Мафтунингман" "Сен етим эмассан" деган кинолар ҳамон кўйилади. Лекин уларда роль ўйнаган кўпчилик актёрлар оламдан ўтиб кетишган.

"Ўтган кунлар"нинг кейинги вариантига эпизодик ролга таклиф кила туриб, режиссёр "Факат мени сўкмайсан, экранда 5 дақиқа кўринасан, холос" деди. Мен "Икки минут бўлса ҳам бораман" дега таклифни бажонидил қабул қилдим, чунки инсон тарихда қилган ишлари билан қолиши керак.

"Бумбастик" масаласига келсак, у "Бўстон" деган гурух ҳакидаги сценарий. Фильмда мен замонавий профессор ролини ўйнаганман. Ёшларбоп фильм, кирган одам зерикмайди. Бу сўзнинг таржимасини топиш қийин бўлди, айтамизу, "ўмбалоқ-бўмба-

Шу маънода машхурликка муносабатингиз?

— Кулиш осон, айтганингиздай, кулдириш азоб. Ҳамма билган, таникли кишининг кўчада юриши ҳам азоб. Ёш-ёш қизлар "Обид, қалайсан?" деб ўтиб кетишиади. "Яхшимисилар" дейману, сўколмайман, қизим тенги қизлар, нима дейсиз, тарбиялари шунака.

Машхур бўлишнинг азоби курсин, ҳеч қаерда бемалол юролмайсан. Сени ҳамма кузатади. Болаларимни айлантиришга олиб чиқолмайман, биринчидан вактим йўқ, иккинчидан, гап отишлар чарчатади.

Ўқувчилик йилларингизда қандай бола эдингиз?

— Мен Тошкентдаги 128-мактабда ўқиганман, 8-сингфага қадар, кейинчалик рассомчилик билим юртида таҳсил олдим. Синф бошлиғи эдим. Фақат "5"га ўқирдим. Оиласиздаги опа-укаларим билан яхши баҳолар олиш бўйича мусобақа ўйнардик, кундакларимизни кўрсатиб мақтанаардик.

Муаллимларингизни йўқлаб турасизми?

— Биринчи синфа Шарифа опа Турдивеа деган муалимма ўқитганлар. Ҳозир ҳаёт, аммо кексайиб қолганлар. Ўқитувчиларимнинг ичидаги менга ёқмайдигани йўқ эди. Ўтган или мактабни тамомлаганимизга 20 йил тўлиши муносабати билан йиғилдик. Муаллимларимиз ўша-ўша, синдошларимиз улгайиб, каттакатта кишилар бўлиб кетишган.

Мени, айниқса, роса мақташганидан хурсанд бўлдим. "Мактабимиздан шундай машхур инсоннинг чиқиши жуда катта гап" дега таъкидлашди.

Энг севимли таомингиз? Ўзингиз ҳам таом тайёрлайсизми?

— Афсуски, таом тайёрлашга вақтим йўқ. Агар аёл, киши бўлганимда, калтакнинг тагида умрим ўтган бўларми? Яхшиям, йигит бўлиб туғилганман. Овқат тайёрлаш каминага бегона. Агар уйда хотиним бўлмаса, тухум қовураман, картошкани сувда қайнатаман, "Спрейт"ни очаман, бўлди, шу билан қорин қай-ғусидан кутуламан. Кечаси 3 да келамани, 4 да келамани, менга қайнок, иссиқ ов-қат тайёр туриши керак.

Спортиларни қайси тиражларни билан шуғулланасиз?

— Спорт билан шуғулланисига вақтим йўқ. Энг севимли машгулотим мазза қилиб ухлаш.

Бу дунёда яхши тиражлар қолади, ёмонлари барҳам топади.

— Тушундим, анъанавий савол беришдан қочиб, салал бошқачароқ шаклга ўтдингиз. Нимаям дердим, чиройли гаплар билан айтганда, бизнинг жаннатмакон, хур, мустақил ва озод юртимизга кўз тегмасин! Оллоҳ низари тушган юрт факат ривожланаверсинг!

Газетангиз жамоасига тиражлам эса, лабларидан табассум аримасин, кулган инсон кўп яшайди.

Сұхбатдош: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА

Обид АСОМОВ: ЎҚИТУВЧИЛАРИМ ИЧИДА МЕНГА ЁҚМАЙДИГАНИ БЎЛМАГАН

нинг барқамдол инсонни шакллантиришдаги хизматига қандай баҳо берасиз?

— Қизиқчилик ҳам санъатнинг бир тури. Инсонни тарбияловчи, камолга етказувчи воситалар мўл-кўл.

Энди кулгуниям шу мақсадга йўналтириш, менимча, ақлга сифмайди. Тўғри, кулги ҳам инсонни маълум даражада шакллантирап, аммо у бутунлай тарбиялаш хусусиятига эга эмас. Масалан, бизнинг томошаларимизга минглаб мухлислар чарғонини ёзиш, завқ олиш учун келишиади. Маълум маънода қизиқчи ҳаётдаги иллатларни гапириб, бундан бир хулоса чиқаришга уринади. Лекин унинг асосий мақсади тарбиялаш эмас, томошабинни кулдиришдан иборат. У дам олиши, толиқан асабларига эрк беришни хоҳлади. Хуллас, қизиқчининг вазифаси – кулдириш, одамларда оила, рўзгор, иш, кўча-кўй, маърала, маросим ташвишлари етарли, яна кулги орқали унга ақл ўргатиб, оталар сўзи киладиган бўлсак, менимча, бунинг кераги йўқ.

Сизни экран орқали реклами роликларида кўп кўрамиз. Бу Сизга нима беради?

— Реклама ҳам санъат. Бу соҳага биз яқин йилларда қадам кўйдик. Рекламаларда чиқиши менинг ўзлари таклиф килишади, аммо мен ҳар қандай фирма ёки корхоналарнинг илтимосини ҳам бажара-вермайман. "Эколот" рекламаларида чиқишим менинг ўзимга ҳам завқ бағишлайди. "Самолёт, пароход, эколот" деб шеър қилиб юришиди. 30 се-

товарларини реклама килиб беришмни илтимос қилалилар, аммо мен уларнинг барчасига ҳам рози бўлавермайман. Бугун кўйлакни, эртага ботинкани, индинга "Эколот"ни реклама қилиб чиқсан, одамлар айтмайдими, сенда ўзи лафз борми, деб? Шу боис факат "Эколот" билан ишлайман...

«Обид шоу» орқали ҳам мухлислар орасида машхурсиз. Бундан кўзланган мақсад нима?

— Мен ўзимни ўтга ҳам, чўқча ҳам урадиган инсонман. Инсон бир жойда тўхтаб қолиши керак эмас. Тўй ва концертлардаги номерларнинг умри қисқа. Сиз айтиётган "Обид шоу" кўрсатувида анча узилиш бўлиб қолди, биласизми, ҳаммасига улгурришига вақт етмайди. Каерда яхши тақлиф бўлса, бораверман. Кўрсатувнинг бошланишига синдошларим сабаби бўлишган. 19 киши ҳар ойда бир марта йиғиламиз, барни ақли, билимдон, битта мен са-ал "телба"роқман. Нимага Москвада турли кўрсатувлар бор, деб қитиқлайвериши. Хуллас, шунинг таъсири, "Обид шоу" дунёга келди, дейлик кўрсатув 40 дақиқага мўлжалланди, лекин уни томошабинга тортиқ этгунга қадар бир ойлик пешона теринг тўқилади. Ишқилиб, осон жойда ош йўқ, буни ўзингиз ҳам биласиз.

Сиз айрим фильмларда ҳам роль ўйнагансиз. «Тоҳир ва Зухра», "Бумбастик" ва ҳоказо. Киноасарининг "Бумбастик" деб номланиши нимани англатади?

— Албатта, иккаласи ҳам киши кизиқадиган соҳа. Ўзбек киноси мустақиллик йилларидан сўнг, мана, қайтадан оёқга турбиятни керади. Ниятим йўқ эмас, кўплаб фильмларда бошролларни ўйнагасам. Ёзувчи Эрқин Аъзамов камина учун "Пакананинг ошиқ кўнгли" деган асар ёздилар. Ана шуқисса асосида сценарий тайёрланмоқда. Худо хоҳласа, яхшигина кино асари чиқади.

Одам кунига битта нарсани кўраверса, жонига тегади. Демак, кинодан ўзимни тортмаган ҳолда қизиқчиликни ҳам тарқ этмоқчи эмасман. Чунки, аввало, қизиқчиликнинг орқасидан эл назарига тушганман.

Билиб-билмай «қовун тушириб» қўйган пайтингиз бўлғанми?

— Ў, нимасини айтасиз, буна киши кўп бўлган. Тўйларда хизмат қиламиш, даврани яхши билмаймиз. Бир тўйга бориб, "Икки ёшга бахт тилаймиз" десам, бўлди кулги, бўлди кулгу. Куёв 55 ёшда, келин худо билсин, 47 ёшда-ми... "Келин-куёв" деб гапирсан бўларкан, билмасдан дэнг икки ёш деб «қовун тушириб» қўйибман. Куёв хотини ўлиб, 4

Аслида ҳеч бир ота-она фарзандининг ногирон, бирор нуқсон билан тутилишини истамайди. Лекин ҳаётнинг биз билмаган сир-синоатлари, тақдирнинг чалкаш ўйинлари сабаб баъзи болалар тутма нуқсон билан туғладилар. Соглом туғилган айрим болажонлар ийқилиши, куиши, қаттиқ қўрқиши оқибатиди ногирон бўлиб қоладилар.

Ўзбек халқининг табиий бир туғуси бор. У ҳам бўлса фарзандини оқ ювиб, оқ тарашга, уни жамиятга қўшиши масъул эканларини англаш. Табиийки, кўпчилик ойлаларда соглом болалар билан бирга тақдир тақозоси туфайли ногирон бўлиб қолган болалар ҳам катта бўлишади, оила муҳитида худди соглом болалар каби яшашиди. Давлатимиз олиб бораётган оқилона сиёсати натижаси ўлароқ, ногирон, нуқсонли болалар ҳам соглом болалар каби маҳсус мактаб-интернатларда, Муруват уйларида тарбияланиб, таълим олмоқдалар.

Бундан уч-тўрт ой муқаддам таҳриритимизга бир аёл кириб келди. Дијором Абдулекова деб ўзини таништирган аёл Тошкент шаҳрида жойлашган 1-Мурувват уйи билан ҳамкорликда "Бегуборлик" деб номланган марказ очтаганини, у ерда тажриба сифатида 10 нафар қиз ва 5 нафар ўтил болалар билан иш бошлаганларини айтиб қолди.

"Оила ногирон фарзанд туғилса ота-онанинг қалби жароҳатланади, — дейди Дијором Абдулекова. — Болаларнинг ақлан ва жисмонан зониф бўлиб туғилиш сабаблари жуда кўп. Отананинг гиёҳванд мадда, спиртли ичимлик истеъмол қилиши, яқин қариндошларнинг турмуш қуриши, экологик вазиятнинг ёмонлашуви, ҳомиладор аёлнинг сиқилиши, азиат чекиши, эҳтиётсизлик оқибатида ийқилиб тушиши кабиларни мана шу сабабларнинг асосийси деб айтиш мумкин. Биз соглом кишилар қўлимидан келганча ақл-идро-кимиз, имму маърифатимиз билан ногирон болаларнинг кўнглига йўл топа олишимиз, уларга ҳам соглом тенгдошлари билан

муомала қилганимиздек сұхбатлашишимиз керак.

Ҳиндистонда ногирон фарзанд дунёга келса, уни Ришининг ҳузурига олиб борадилар. Риши бу боланинг нима учун, қандай вазифаларни бажариш учун дунёга келганлигини, ота-онаси бу болага қандай муносабатда бўлиши кераклигини, уни қандай тарбиялашни айтиб берар экан. Оила эса бу вазифаларнинг барчасини ўз бурчи деб билади ва оғринмасдан бажариди. Бизларда Ришилар йўқ, лекин руҳшунослар бор. Улар она ва боланинг ички дунёсини ўрганиб, боланинг хусусиятлари ҳақида онага тўлиқ маълумот бераб, реабилитацияни бошлашлари керак. Сог болага ҳам, ногирон болага ҳам энг биринчи навбатда зарур бўладиган нарса бу — она меҳри. Она фарзандига ишонч билдириса, уни суйиб-эркаласа, бошқа болаларига қилгандек муомала қиласа, ногирон бола оиласа ўксинмасдан, ўзини камситилгандек ҳис қиласа.

Бизнинг мақсадимиз, ҳар бир

ди, деб ўйлаб, бир четга чиқарб қўймаслик, четга суреб ташламаслик керак. Улар ҳам ўзларининг керакликларини ҳис этишсин, соглом тенгдошлари бажараётган айрим ишларни ўзлари ҳам эплай олишларини билиб қувонишсин".

Опанинг ушбу гапларини эшитганимдан сўнг кўпдан бўён ўйлаб юрганим, ногирон болалар келажагини мана шундай йўллар билан таъминлаш, яхши томонга ўзгартириш мумкинлигини англаб қолдим ва менда ушбу марказ иши билан яқиндан танишиш истаги пайдо бўлди.

Орадан пича вақт ўтиб, 1-Мурувват уйида жойлашган "Бегуборлик" марказида бўлдим. Марказ иши билан танишиш мақсадида бу ерга ўша куни кўпгина меҳмонлар ташриф буришган экан.

— Ақли зониф болаларни ижтимоий реабилитация қилиш ва жамиятга интеграциялаш, уларни бирорта касбга ўргатиш, имкониятларини рўёбга чиқариш мақсадида дастурлар ишлаб чи-



ЭНГ АВВАЛО МЕХР КЕРАК

ногирон бола ҳаётда ўксимасин, ўзини кераксизман деб ўйламасин, муҳими, руҳий тушкунликка тушмай, жамиятда, оиласи бағрида униб-ўссин. Мана шу мақсадларимизни рўёбга чиқариш учун 1-Мурувват уйи билан ҳамкорликда 10 нафар ақлан, жисмонан зониф, нутқи, эшитишибоблияти бўлмаган қизларга тикиши, касал кишига қарашни, чақалоқлар билан ишлашини, ўйдаги оддий ишларни, дейлик, чой қайнатиш, ўй супуриш каби юмушиларни бажаришини астасекин ўргатаямиз. 5 нафар ўтил бола эса этикдўзликни ўрганмоқда. Уларни ақлан зониф, қўлидан ҳеч бир иш келмайди, энди менга, давлатта фойдаси тегмай-

канмиз. Мана шу дастурлар асосида иш ташкил қилдик. Шу кунгача қизлар ҳам, ўтил болалар ҳам меҳнат қилиш кўнкимасини эгаллашди, — деди марказ раҳбари Д.Абдулекова.

Қиз болалар билан иш олиб бораётган, уларга барча юмушлиарни қунт ва сабр билан ўргатаётган инструктор Наргиза Питиевани қизлар "Наргиза она" дейишар экан. Аввал бегонасираб турган қизлар, сал ўтиб ўзлари тиккан намуналарни бизга юзларида табассум билан кўрсата бошладилар.

Голландиядан келиб икки ярим ийдан бўён Қарши шаҳридаги ва Тошкентдаги 2-Мурувват уйида фаолият олиб бораёт-

ган "Мерси проект" ташкилоти вакиласи Ферида Лан дер Линде билан ҳам мана шу марказда танишдим ва унинг фикрлари билан ўртоқлашдим.

"Бизнинг давлатда ҳам ногирон болалар бор ва биз уларни доимо назорат қилиб бораимиз, — деди у. — Ўзбекистонда ҳам ногирон болалар тақдирига давлатнинг бефарқ эмаслиги мени хурсанд қиди. Соглом болалар билан ақли зониф, жисмонан нуқсонли бўлган болаларнинг фарқи бор. Улар билан ишлаш қийинроқ. Чунки улар жуда секин ривожланади, онги ҳам соглом болаларнидек тиниқ ва равон бўлмайди. Бундай болаларга, энг аввало, меҳр бериши-

миз керак. Одамлар, унинг атрофида гилар болага яхши муносабатда бўлиши, уни эътибордан четда қолдирмаслиги даркор. Бунда ота-оналар тарбиячи ва шифокорлар, руҳшунослар билан доимий ҳамкорликда бўлишлари шарт. Ногирон боланинг қобилияти жуда секин шакланади. Шунинг учун агар уларга яхши тарбия берсак, эътибори миздан четда қолдирмасак, болалар касб ўрганади, жамиятга фойдаси тегадиган инсонлар бўлиб етишади".

Ушбу марказнинг иш фаолияти билан танишиб, қизалоқлар билан сұхбатлашиб, шу нарсага амин бўлдимки, улар ҳам оиласа, жамиятда кимнингдир оғирини енгил қила оладилар ва ўзларига билдирилган ишончни оқлаш учун бор куч-гайратлари билан ҳаракат қиласидилар.

Шарифа МАДРАХИМОВА

АТДР ҲАЙДА УМР БЕРДИДЕ...

— 1968 йили университетни тамомлаб, 1970 йилда ўйланма билан шу даргоҳга тил ва адабиёт фани ўқитувчиси, сурдопедагог бўлиб ишга келганимда, "эплай олармикманман?" деб бироз чўчигандим, — деда хотирлайдилар опа. — Дастрлаб болаларнинг тилини, уларнинг руҳий дунёсини тушунолмай бироз кийналгандим. Кейин эса ўрганиб кетдим. Ҳозирги кунда 300 нафардан зиёд ўкувчиларимиз бўлиб, улар асосан хунар ўрганишга йўналтирилганлар. Нафиса Муродова киз болалар билан тикчилик, тўкувчилик машгулотлари ўтказса, Юсуфхон Рустамбеков ўғил болаларга чилангариликдан сабоқ беради. Бундан ташқари интернатимизда футбол, кураш, шахмат-шашка сингари спорт ҳамда адабиёт, математика фанларидан тўғараклар мунтазам ишлаб туриди. Хуллас, ўкувчиларимиз ҳеч зерикиб колишмайди...

Интернатимиз ўкувчиларига шу даражада ўрганиб қолганманки, асти кўяверасиз. Улар ҳам менга жуда меҳрибон. Тобим қочиб қолгудек бўлса, кунига 3-4 маҳал уйимга чиқиб келаверишади. Хайрлаша туриб, "устоз, эртага мактабга чиқасизми?" деб сўрашни канда килишмайди.

Агар қайта умр берилса, уни қандай яшаган бўлардингиз, деб опадан сўраганимизда:

"Унда ҳам худди шундай яшаган бўлардим", деда жавоб бердилар ҳеч иккимаймай. Ўтётган ҳар бир кунидан, умридан, касб-коридан коникиб яшаш ҳар кимга ҳам насиб килавермайдиган олий бир баҳтдир! Муҳаррам опа ана шундай инсонлар тоифасидан. Үқувчиларга дарс берибгина қолмай, улар учун дарслеклар, кўлланмалар ҳам ёзадилар. Мақсадлари—узоқ йиллар давомида орттирган бой тажрибаларини ҳамкаслари, шогирдлари билан ўртоқлашиш. "Зониф эшитувчи болаларнинг боғланиши нутқини ривожлантириш" борасида изланиб, 1989 йилда "Зониф эшитувчи болаларнинг оғзаки нутқини ривожлантиришда дарсдан ташқари ўтказиладиган тадбирларнинг аҳамияти" номли методик кўлланма эълон қилган бўлсалар, 1994 йилда Рихси Омонова билан биргаликда 2-синф ўкувчилари учун "Она тили" ва "Нутқ ўстириш" дарслеклари яратишиди. Кейинчалик Ҳафиза Самадова билан ҳамкорликда тайёрланган 2-синф ва 3-синф ўкувчилари учун "Ўқиши китоби" нашрдан чиқди. Шунингдек, 4-синф ўкувчиларига мўлжалланган "Нутқ ўстириш" дарслекларнинг ҳам мувалифидир. Бу дарслекларнинг бари зониф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернати ўкувчилари учун мўлжалланган.

Табиатан ногирон инсонларнинг кўнгиллаши нозик бўлади. Ана шундай ўғил-қизлар қалбига йўл топа олган, илму зиёд улашиб, уларда ҳаётга, келажакка умид уйғота олган Муҳаррам опа сингари фидойи инсонлар бор бўлсин, деймиз.

Феруза ЖАЛИЛОВА

Яқинда ишдан қайта туриб автобусда ўсмир қизи билан кетаётган бир аёл билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдим. Аёлнинг айтишича, қизи Азиза Қозоқбоеванинг эшитиш қобилияти пастлиги, нутқининг яхши ривожланмаганилиги боис, болалигидан жуда маъюс, тортичок бўлган, қайсиридан бола уни "соқов" деда ўйндан чиқариб юборганди, онасини кучклаб, ўқсиб-ўқсиб роса йиглаган.

Мактаб ёшига етгач, уни Собир Раҳимов туманинг 106-зониф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатига ўқишига беришибди. Орадан кўп фурсат ўтмай Азиза сезиларли даражада ўзгариб, анча дадил, кувноқ бўлиб қолибди. Авваллари қандайдир тушунарсиз товушлар чиқарадиган, катталарни кўрганда тортиниб, онасининг орқасига беркиниб оладиган қизалоқнинг икки кўлини кўксига кўйиб салом беришдан кўни-кўшилари ҳам ҳайратланишибди. Ҳаммадан ҳам онасининг суюнганини айтмайсизми? Кизининг интернатда дўстлар ортиганинг ғамхўрлигидан, устозлари тарбиячиларининг ғамхўрлигидан бўлиб қолибди. Айниқса, қизининг устози Муҳаррам Холмуҳамедова ҳакида гапирганида тилидан бол томарди гўё. Азизадаги ижобий ўзгаришлар ҳам устозларни тарбиячиларининг меҳри, сермашаққат меҳнатлари самараси экан. Ҳавасимиз оптиб, опа билан яқиндан танишиш, Азиза ва дўстларининг қандай яшайтганликлари, нималар билан машғул эканликлари ҳакида келиб, интернати ўйл олдик.

Муҳаррам опани топиш кийин бўлмади. Кинавериша гурунглостиб турган болалар устозлари ёнига бошлаб боришибди ва биз опани суҳбатга чорладик:

Халқимизнинг фалсафий тафкури тарихи қадим замонларга бориб тақалади. "Авесто"-да баён этилган ижтимоий-фалсафий фикрлар шундан далолат беради. Афсуски, бу соҳа бизда узоқ вақт давомида тадқиқ қилинмай келди. Ваҳоланки, манбааларда қайд этилишича, "Авесто"нинг 3 жилдид нусхаси бундан қарийб 300 йил илгари Парижда француз тилида, 200 йил илгари Германияда олмон тилида чоп этилган. 1820 йили италиялик олим Ж. Вико "Авесто"даги фалсафий-ахлоқий қараашларга бағишлаб "Янги фалсафани асослаш" асарини ёзган. Олмон файласуғи Г. Риттер ўзининг 1829 йили чоп этилган "Фалсафа тарихи" китобида "Авесто" ва ундағи фалсафий фикрлар устидаги мушоҳада юритган. М.Мюллэрнинг бундан 100 йил илгари чоп этилган "Шарқнинг муқаддас китоби" асари "Авесто"га бағишиланган. Мустакиллик туфайли республика мизда ҳам "Авесто"га бағишиланган тадқиқотлар олиб борилаёт. Профессорлар М.Исҳоқов ва Ҳ.Хомидий "Авесто"нинг

бўлган, дейиш мумкин. Ш.Бердиевнинг "Зардушт ахлоқи" мақоласида Зардушт фалсафаси юонларгача бориб етгани, Афлотун фалсафасига асос бўйиб хизмат қилгани айтилади ва Афлотуннинг "Эй олов, Афлотунга яқинроқ келгин, чунки у сенга эҳтиёжманд" деган сўзларини келтиради. Бинобарин, Афлотуннинг энг яқин дўстси ва шогирди, Искандар Зулқарнайнга устоз бўлган Аристотел ҳам "Авесто"ни билмаслиги мумкин

"Авесто" Марказий Осиё худудида ўша даврда яшаган аждодларимизнинг бой тарихи, ижтимоий-фалсафий ва диний қараашларини ўрганинда мухим манбадир. Буни китобдаги олам тўғрисидаги қараашларда кўриш мумкин. Олам ва унинг муаммолари ҳозир ҳам фалсафа фани ўрганинда мумаммалардан дар. Зардуштийлик таълимотига кўра, олам поёнсиз. Икки дунё бор: бири моддий, иккинчиси ғойиб (маънавий) дунё. Оламни худо яратган, нури билан уни мунаввар эта-

ҳисобланган. "Авесто"даги мана бу ҳикматга эътибор қилинг:

"Одам бутун умри давомида сув, ҳаво, тупроқ ва оловни, умуман, оламдаги яхши нарсларни асрарга бурчли" дир. "Ер, сув, ҳаво ва оловни асрар қоидаларини бузган киши 400 қамчи жазога маҳкумдир". Бинобарин, бундан қарийб 3000 йил муқаддам яратилган бу муқаддас асрарда ҳозир биз экология, табиати мухофазаси деб атётган муаммо энг долзарб масала саналган ва у ҳозир ҳам аҳамиятини ўқотмаган. Ҳалқимизнинг табиатни мухофаза килиш, атроф-муҳитни тоза тутиш, сув, ҳавони покиза саклаш, ерни эъзозлаш ва уни обод қилиш сингари эзгу урф-одатлари азалий эканлигига "Авесто" гувоҳ.

"Авесто"даги маънавий ахлоқий қараашлар, қадрият масаласи ҳам диккатга сазовор. Зардушт таълимотича, оламда ёвзлик, ёмонлик бўлмаслиги учун одамлар иймон-эътиқодли, инсоф-диёнатли бўлиши керак.

«АВЕСТО» ОДАМ ВА ОДАМ ҲАҚИДА

ўзбек тилидаги нашрини тайёрлашмоқда.

Манбаларда Искандар Зулқарнайн Эронни забт этгандаги маҳалларини ўзгурлик ва адолат ғоясига даъват этган, ўзлигини англаб, душманга карши курашишида қудратли курол ҳисобланган "Авесто"-нинг кўп қисмини ёндириб юборган, деган қараш бор. Яна Искандар "Авесто"нинг тилини билмагани, шу боис унинг қадрига етмагани учун ёқтириб юборган, деган фикр ҳам йўқ эмас. Бу тарих ҳақиқатига зид. Искандар—буюк доинишманд, Аристотелдан 20 йил мобайнида таълим олган, бинобарин, садовли бўлиб, китоб қадрани билган. Акс ҳолда, Искандар Зулқарнайн "Авесто"нинг муйян қисмини Македонияга устози Аристотелга ҳадя сифатида жўннатганини ва китобнинг фалсафа ҳамда тибиётга доир бўллимишни юон тилига таржима қилдирганини қандай тушиши керак?! Профессор Ҳ.Бобоҷонов ва А.Салтиковнинг "Авесто" бебаҳо маданий мерос" номли рисоласида шундай майлумот бор. Бинобарин, буюк файласуғ Аристотел "Авесто"ни билган ва ундағи ижтимоий фалсафий қараашлардан хабардор

ди. Олам икки ибтидо, яъни ёруғлик билан зулмат, яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш асосига курилган. Бу "Авесто"да эзгулик, яхшилик худоси Ахриман тимсолида тасвирланади. Зардуштийлик таълимотича, оламнинг асосини мана шу—бир-бирига қарама-карши эзгулик билан ёвзлик, яхшилик билан ёмонлик кучларининг кураши ташкил этади. Яхшиликни ифодаловчи кучлар осмонда, ёмонлик кучлари эса ер остида, деб тасвирланади. Ер сатҳи—юзи эса кураш майдони. Олам ва одам ҳаёти қарама-карши томонлар ва улар ўртасидаги зиддиятлар туфайли ўзгарида, ривож топади. "Авесто"да яна бир мухим фикр айтилган: оламнинг олам бўлиши асосан одам ундири. Бу одамни улуглаш, ҳаётни севишдан бошқа нарса эмас.

"Авесто"да олов оламни нурафшон қисла, ер ризқ-рӯз, сув эса ҳаёт, нахот манбаи, ҳавосизтириклик йўқ, деб таърифларни. Қизиги шундаки, оламнинг асосини ташкил этган бу унсурлар ўзаро боғликларда олиб қаралади ва уларни асраб-авайлан, ифлос қилмаслик одамнинг муқаддас бурчи, деб

Шунда эзгулик ёмонлик устидан ғалаба қозонади, жамиятда адолат, ҳақиқат қарор топиб, одам эркин ва фаровон яшайди. "Авесто"даги Аша мадҳиясига эътибор қилинг:

"Эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу ишни алқайман. Ўзимни буткул эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амалларга бахшида этаман, барча кабих ўй, ёмон сўз ва ёмон ишдан тияман".

"Авесто"да "Ҳақиқат—олий неъмат. Бу неъматдан ул киши баҳрамандким, савоб унга бўлгай", деган таъриф бор.

"Авесто" қадим замонда яшаган одамнинг олам ва табиатга муносабати, диний ва фалсафий қараашлари, ўша замон одамининг онг, тафаккури даражаси ва тажрибаси ифодаланган қадимин манба. Қадимда икки дарё оралиғида яшаган аждодларимизнинг диний, ижтимоий-фалсафий қараашларидан хабар берувчи "Авесто" мустақил Ўзбекистонимизда ҳалқимизнинг бебаҳо ёзма бойлиги сифатида қадрланмоқда, ардокланмоқда.

**Саттор ОБЛАҚУЛОВ,
ЎЗДЖТУ доценти, фалсафа
фанлар номзоди, олий
таълим фидойиси**

Бургулик (буоқанли) маданияти номи билан машхур бўлган ушбу ўтроқ дехқонлар кейинчалик дастлабки шаҳарларга асос сола бошлиши. Бунга мисол сифатида Оҳангароннинг кўйи оқимида милоддан аввалги I асрларда вужудга келган Канха шаҳар харобасини кўришимиз мумкин.

Шоштепа ёдгорлиги ўринда эса милоддан аввалги III асрнинг охириларида атрофи мудофаа деворлари билан ўралган шаҳар вужудга келиб, бунда ахоли ўй-жой куришида асосан хом гишт ва пахсадан кенг фойдаланган.

Ёдгорлик-зийқиси-

шоштепа ёдгорлиги
тарихидан

ли-
бўлиб,
тўртбурчак
ва ёйсимон эшик-
бўлган. Кўйиллар давомида тадқиқот шашларни олиб
бораётган археолог олимларнинг фикрига кўра, бу иморат оташпарастларга тегиши. Ибодатхонадан то-
пилган оташпарастларнинг диний маросимларини ўтка-
зишда ғойдаланган моддий манбалари буни тасдиқайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, бу ибодатхона Орол бўйи худудида жойлашган Жетиасар маданияти ибодатхона-
ларига жуда ўхшаш. Уй-жойлар, мансизлогоҳ ва ибодат-
хоналар ўртасидаги умумийлик Шоштепа манзилгоҳи-
га Оролбўйи қабилалари асос солган дейишишимизга асос

бор.

Қадимги Шарқда дастлабки бошқарув аппарати диний, ахлоқий ва анъаналарга асосланган бўлиб, ибодатхоналар шу даврда маълум ҳудудий бирликнинг маъмурӣ маркази сифатида намоён бўлган. Шаҳарсозликнинг бундай дастлабки шакли шаҳар-ибодатхона номи билан юритилиши олимлар томонидан эътироф этилади. Шунга кўра, Шоштепада дастлаб шаҳарсозликнинг шаҳар ибодатхона кўриниши шаклнаби, кейинчалик йирик марказга яланга бошлаган. Бу ерда кулаге география ўрин ва иким шароити туфайли дехқончилик, боғдорчилик ва узумчилик айниқса тез ривожланди. Археологик қазишлар даврида топилган ошқовоқ уруғлари, мевалари, данак ва уруғлари фикримиз исботидир. Шунингдек, кўплаб топилган чорва моллари ва ёввойи ҳайвон сүяқ қолдиқлари, аҳолининг чорвачилик ва овчилик билан шуғулланганлигидан далолат беради. Шоштепада айнан шу даврларда ҳунармандчиллик ҳам ривожланган бўлиб, бунда асосан бронза ва темир хом-ашёлардан фойдаланилган. Бундан ташкири сүяқ ва тоши қайта ишлаш, кулолчилик, шунингдек тўқимачилик ва терига ишлов бериш мухим роль ўйнаган. Шоштепа аҳолиси тўқимачиликда асосан жундан матолар тўқишишган. Ёдгорликдан топилаётган маддий манбалар Тошкент тарихининг қадимийлиги, буюклигидан далолат беради.

Умуман, ҳозирги кунда бу ёдгорликнинг, яъни шаҳарсозлик маданиятини шаклланиши ва кейинги тараккиётда тутган ўрини, қарор топган даври масалалари нафақат археологик олимларнинг, балки жамоатчилик олдига ўз тарихини мукаммал билиш, ҳар томонлама ўрганиш каби улкан вазифаларни кўяди. Шуни бирор мумкин сифатида айтиш мумкини, ёдгорликнинг қарор топган даври аниқ сана билан белгиланганлиги йўқ.

Ўйлаймизки, қазиш ишлари натижалари Тошкент шаҳри тарихининг янада қадимий эканлигини исботлаб беради.

Шоира ЖЎРАҚУЛОВА

ЎЗИНГДА ОДАМИЙЛИКНИ ТАРБИЯЛА

Ҳурмат, иззат-икром кишини маънавий юксакликка кўтарида, шахс сифатида мухим аҳамиятга эга эканлигини оширади, ўз кучига ишонч ҳиссини юзага келтиради ва унга мадад беради. Шарқда "Инсонга ҳурмат, чироқча мой ва бошоқча нам керак" деган нақл бежиз айттилмаган.

Яънда мен бир дўстимни кўргани бордим, у узоқ вақт давомида катта илмий тадқиқот институти раҳбарни бавзифасида ишлаб келган. Ҳозир эса нафақаҳур. Унинг бир нарсага муҳложлик жойи йўй, уч ўғлиниш ишкитаси ўйрик олимлар, фан докторлари... Мени кўргач, у аянчли ва ғамгин кулиб: "Ҳамкасб дўстларим мени унтишиб юбордилар, ҳеч бири келмайди, ҳаттоқи телефон ҳам қилиши майди. Шундай вақтлар бўлар эдик, улар гурух бўлиб ўйнгача кузатиб қўйишарди. Мен эса иложи борича ҳаммаларига ёрдам берардим, кўплар фан номзоди, докторлик илмий даражаларига эга бўлиб олиши. Ҳеч қаочон улар мени, ўз дўстини унтишиб юборшиларини хәёлимга келтирган маддим".

Ҳурмат қилиши ва иззат-икром кўрсатиш — бу тұгма ва ҳаётда орттирилган сифатларидир. Ҳудди мана шуларни кишилар ёшликтан то қаригунга қадар ўзларида тарбиялашлари керак.

Қаердадир ўқиб қолдим: "Ўзгалар учун ёруғ нур бўлиб, ўзидан нур тарқатиб туриши — мана, инсон учун олий баҳт, бу юксакликка эришишадир". Балки кимдир буни ҳозирги кунда долзарб деб тушунмас, яъни вақт ўзариди, энди эса бошқа фазилатлар қадрланади? Қулоқ солинг, тингланг бу ҳақда қадимги ўзбек ҳалқ эртаги нима

Meros

Бутун олам тупроқ ва сувдан яралған. Улар бор ерда ҳаёт мавжуд. Фақат сувдан иборат жойларда ҳам тириклик мавжуд. Лекин сувсиз жойларда ҳаёт бўлиши гумон. Сув ҳаёт манбаи эканлиги тўғрисида ўлар эканман, момом жонимга оро киради. Сув сўрайди, мен келтираман. Сувни ичиб дуо қиласидар: "Сувдай сероб бўлгина." Фурсатдан фойдаланиб сув тўғрисида сўрайман. Момом оҳиста, кексаларга хос тарзда салмоқли сўзлайдилар: "Сув олтиндан қиммат дейдилар, болам. Қанча хазинанг бўлса ҳам сувсиз ҳеч ким яшай олмайди. Шунинг учун ҳам кишилар, қадимдан, энг аввало, қаерда иморат солмоқчи бўлсалар ёки бир шаҳар бунёд этмоқчи бўлишса, сув оқар томонлардан куришган ёки ариқ қазишган. Биз ёшлик пайтларимизда водопровод сувидан эмас, булоқдан, кукуқдан, ариклардан сув ичар эдик. Ҳеч ким сувни булғамас эди. Сувни асраранни худо асрайди. Сув ҳаёт манбаи ҳисобланади. Сув келтирган кишини ҳалқ дуо қиласидар. Элнинг раҳматини олади. Савоб иш қилған бўлади. Сув – об-ҳаёт. Сув бўлмаса ҳеч бир жонзот яшай олмайди. Ўша даврларда кудуқка чигирик ўрнатиб сув олар эдик. Булоқнинг, кудуқнинг сувлари муздай, шифобаш бўлар эди. Булоқ, кукуқ, арикларга ҳеч ким туфламас, ифлос қилинишига йўл қўймас эди. Сув онадек азиз. Айтишларича, илгариги замонда арикларнинг ёнида қўй-қўзи, эчкilar, сигирлар ҳам боқилмаган экан. Ҳаттоқи, ёмон кўзани ариқа ботирган кишиларни жазолашган экан. Агарда табиатда курғочилик юз берса, ота-боболаримиз, момоларимиз экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш мақсадида ёмғир чақириш удумларини ўтказганлар».

Момом айтган сўзларига қулоқ солар эканман, сув тўғрисида билгандаримни хотирлайман. Сув инсон учун энг азиз табиий неъмат, қишлоқ ҳўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришидаги каби бошқа соҳаларда ҳам мухим заҳира ҳисобланади. Үсимиликлар сувсиз яшай олмайди. Уларнинг илдизи тупроқдан сувни, ундан эриган моддаларни шимиб олади. Ҳайвонот олами ва одам ҳам сувсиз яшай олмайди. Табиатда сув айланниб юради. Ёмғир ва қор сувлари дарёларга тушади, улардан дengiz ва океанларга қуйлади. Океан, дengiz, дарё ва кўллардан сув яна қор, ёмғир шаклида ерга тушади. Қишлоқ ҳўжалигини, саноатни ва ахолини сув билан таъминлашда тоғлардаги доимий қор ва музликлар асосий сув манбаи хизматини ўтайди. Дарёлар эса баланд тоғлардаги музликлардан тўйинади. Республикамиз аҳолиси асан иккита дарё – Амударё ва Сирдарё сувларидан фойдаланади. Момом яна ҳаёлимни бўлиб дейди: "Кимки элга сув келтирса, номи ҳеч қачон ўчмаган. Қишлоғимиздан ўтубчи Хонариқ ҳам шунинг учун шундай номланган. Сувни ариклардан бемалол ичар эдик. Ҳозиргидек сув кувурлари, ер ости сувлари қаёқда эди? Ҳозир ариқ ва анхорлар қаровсиз ҳолда қолди, ҳамма чиқинди ташлайди. Сув ичадиган ариғингга тупурма, деган мақол бор. Мана шуни ҳар бир инсон ўз жисмига сингдириб олса ёмон бўлмас эди." Суҳбатга онам қўшиладилар: "Қизим, мана шу ҳозир биз яшаеттган ерлар қақраб ётган чўл эди. Фидойи инсонлар сув келтириб, чўлни гулистонга айлантириши. Соя-салқин боғларда, гулзорда сайр этганда, зилол сувлардан роҳатланганда ана шу инсонларнинг меҳнатини қадрлашимиз керак. Сувни ифлослантириш, уни зое қилишдан кўра, сувни ифлос қилимасликнинг янги усуспарини ўйлаб топмоқ керак. Яна исломда ичимлик суви билан экин суғориш маън этилганини яқин-яқинларгача кўпчилигимиз билмас эдик."

Куръони каримнинг "Набаъ" сурасининг 40-оятида шундай дейилган: "Күншни (бутун оламни) ёритувчи чирок қилиб, булатлардан (ёмғир) сувларини

дуд-дуд ёғдириб, натижада (ердан) донларни ва гиёхларни ундириб, буғу бўстонларни бунёд этиб қўймадикми?"

Яна "Абаса" сурасининг 42-оятида "Биз (ёмғир) сувларини мўл ёғдириб қўйдик, сўнг Ерни үсимиликлар ёриб чиқадиган қилдик. Ердан яна донларни, сердараҳт буғу бўстонларни ундиридик. Буларнинг ҳаммаси сизлар ва чорвалингиз манфаати учундир", деб ёзилган. Демак, Оллоҳнинг барча неъматлари биз учун экан. Хўш, ана шу "инсон" деб аталганларнинг бугунги кунда табиатга ва зилол сувга бўлган муносабати қандай? Афсуски, қоникарли даражада эмас. Инсонлар сувдан унумли фойдаланмаятилар. Масалан, яхши маҳкамланмаган жўмрақдан томчилаб сув окканда, бир суткада 480 литр сув ифлос бўлар экан. Бу факат битта жўмрақдан оқкан сув. Агар биз биргина вилоятимиздаги очиқ қолган жўмраклардан оқаётган сувни ҳисобласак, қанчалик ифлос гарчиликка йўл

афсуски, бу географик маълумотлар энди утмишни эслаб қайғуриш учунгина кепак.

Мустақилликка бўлган йиллар Оролни тугатиш ёки куритиш даври бўлди. Жонкуяр олимлар ва мутахассислар фикр-мулоҳазалари, таклифлари фақат коғозда қолиб, "Орол денгизи ўрнида пахта етиштириш мумкин" каби фикрлар айтилди. Орол тақдирига бефарқ қаралди. "Чўлни гулистонга айлантирамиз, табиатни бўйсундирамиз, ундан инъом кутиб ўтирумаймиз" шиорлари авж олди. Кўп ерлар ўзлаштирилди. Сувнинг қадами етган жойга экин экилаверди. Амударёни ҳам, Сирдарёни ҳам ўз ҳолига кўймай "Кани, асов бўлсанг XX асрнинг техникасига, одамларнинг кудратига кучнинг кўрсатиб кўр-чи!" деб аввало сув омборлари курилди, каналлар қазилди. Буар камлик қилганидек, пахта ва шоли экиладиган жойлар кенгайтирилди. Натижада эса Орол денгизининг майдони


латлари бошликларининг учрашувлари бўлиб ўтди ва Оролни мұхофаза қилишда биргаликда иш олиб боришга келишиб битим имзоланди. 1994 йилнинг январь ойида Нукус шаҳрида, 1994 йилнинг марта Ташкентда Тошкентда, 1997 йилда эса Алматида ана шундай учрашувлар бўлиб ўтди. Орол денгизи тақдирининг муаммолари, ечимлари Президентимиз И. Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари" асарида ўз ифодасини топган. Асарни ўқиши мобайнида шундай сатрларга кўзингиз тушади: "Орол танглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожиаларидан биридир."

Ниҳоят озуқасиз колган, бир пайтлар Ўрта Осиёнинг кўрки бўлган Орол денгизи ҳолдан тойиб, курий бошлади. Орол денгизининг сатҳи 14 метрга пасайди, сувнинг ҳажми эса 65 фоизга кискарди, таркибидаги тузлар миқдори иккиси ярим баравар ортди. Унча шўр бўлмаган сувга мослашган балиқлар бирин-кетин нобуд бўлди. Орол денгизининг куриб қолган майдони туз кўтариладиган жойга айланниб қолди. Куриган денгиз остидан йилига 70 миллион тонна туз чант-тўзон билан ҳавога кўтарилиб, теварак-атрофга — 500 километргача тарқалмоқда, борроғлар нобуд бўлмоқда, инсон саломатлигига путур етмоқда. Орол денгизи атрофидаги фалокатни бартараф қилиш мақсадида ҳукumatимиз "Орол денгизи районида экологик ва санитария вазиятини тубдан яхшилаш, Орол ҳавзасида сув ва ер ресурсларидан фойдаланиш са-марадорлигини ошириш ҳамда уларни мұхофаза қилишни кучайтириш чорала-ри ҳақида" Қарор қабул килди. Ўзбекистонда Оролни асраш комитети тузилди.

Момом ўз замонаси ҳақида куйиниб сўзлайди, онам сувни асраш ҳақида гапиради. Мен эса келажак ҳақида ўйлайман. Хўш, биз, яъни келажак авлод сувни асрар-авайлаш учун нима қиммоғимиз керак?

Яна ҳаёлимга биринчи галда энг дол зарб муаммо — Орол денгизи тақдирни келади. У йилдан-йилга куриб бормоқда. Орол нафакат бизнинг, балки бутун Ўрта Осиё, Қозоғистон давлатларининг энг оғриқ нұқтасига айланниб қолган. Бу оғатнинг олдини олиш учун кўп ишлар қилинмоқда. Биз ёшлар бунга ўз хиссамизни қўшиш учун нима қиммоғимиз керак? Нега энди чет элларда истеъмол қилинадиган сувни қайта-қайта яна ярқали ҳолга келтириш усуслари мавжуд, бизда эса оқар сувларга кам эътибор берилади. Шунингдек, бир томчи сувни ҳам исфо қилимасдан сугоришнинг янги усусларидан фойдаланиш керак. Истроил давлатида пахта ва бошқа экинларни томчилаб сугоришар экан. Биз ҳам шу усуслин кўлласак, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чет эл технологиясини мамлакатимизга олиб келиш, янада тақомиллашган үсніларни яратиш биз ёшларнинг олдига кўйилган асосий қарзи ва фарзири. Умуман биз табиатдаги ноёб бўлган бойлик — сувни мұхофаза қилишимиз керак. Дарё, ариқ ва хөвзедаги сувни ифлосланишидан сақлаш, уларда ўсадиган ва яшайдиган үсимиликлар ва хайвонларни эхтиёт қилиш ҳар бир фуқаронынг бурчидир. Зоро, шундай экан, ҳаёт рамзи бўлган сувни тежаб, авайлаб ишлатишни одат қиммоғимиз лозим. Бу, бизнинг инсоний бурчимиз ва кундалик вазифамизга айланishi керак.

Шахноза КОДИРОВА,
Жиззах вилояти Пахтакор тумани
Ҳамид Олимжон номидаги
1-макта ўқувчиси,
"Мен-онам-момом — сувнинг
аҳамиятиҳақида" иншолар танлови
3-урин соҳибаси



Кўяётганимизга амин бўламиш. Бу ҳаётимизда шунга ўхшаш муаммоларга дучор бўламиш.

**Мана Орол куриб бормоқда эссиз,
Тополмай ётибмиз дардига чора.
Ўзиўз дардига тополмай даво,
Биздан ёрдам сўрап Орол бечора.**

Маъсум Орол мадад сўрайди. Ўз кирғокларни ташлаб кетаётиб зор-зор йифлайди. Биз фарзандларидан мадад кутади. Орол денгизи тобора куриб бормоқда. Нима учун? Оролни асрар қолиш керак. Бу каби сўзларни кўплаб эшитамиз. Орол денгизи тарихан катта худунинг ўзига хос ҳаёт манбаи бўлиб келди. У 60-йилларгача ўз ҳолатини маълум микдорда сақлаб, майдони 66 минг кв. км ни ташкил қиласди, унга Амударё ва Сирдарёдан йилига ўртача 52 куб км сув куйиларди. Ундан ташкири 5 куб км атрофида ёғин-сочиндан ва 1 куб км сув ер остидан йиғилиб тўпланар эди. Минг

32 минг кв. км га тушиб қолишига сабаб бўлди. Буларнинг ҳаммаси сувда яшовчи тирик организмларга, айниқса, кимматбаҳо балиқларнинг ҳаётига ва инсонлар ҳаётига салбий таъсир кўрсатди. Орол куриши туфайли ер, сув, ҳаво таркибида чуқур ўзгаришлар рўй бериб, дарахтлар куримоқда, ҳайвонлар кирилиб кетмоқда. Турли хил касаллар кўпайиб кетиб, биз болаларнинг, оналаримизнинг саломатлигига катта хавф тудирмоқда.

Орол тақдирни бу бизнинг миллий муаммоларни бўлмай, балки дунё ҳалқарини ҳам ташвишга соладиган муаммодир. Орол ва унинг атрофидаги экологик аҳволни яхшилаш учун давлатимиз рахбариятни сабобли ишларни бошлаб юборди. Ўрта Осиё давлатларини, чет эл олимларини ҳамжиҳатлиқда иш олиб боришга, муаммоларни биргаликда ҳал қилиш йўлларини топишга чорлади. 1993 йил март ойида Марказий Осиё дав-

Atoqli belorus shoiri Maksim Tankning asl ismi-sharifi Yevgeniy Skurkodir va u G'arbiy Belorussiyaning shimoli-g'arbidagi qumli sohillar, qaraq'ay o'rmonlari bilan o'ralgan Pilkovlar (Pilkovshina) degan qishloqda, Naroch degan katta ko'l bo'yida 1912 yilda dehqon oиласида tug'ilgan. Maksim Tank degan taxallusni keyinchalik tanlagandi. Bir kuni undan "Nega bunday taxallus oldingiz?" deb so'riganlarida, u shunday deb javob bergandi:

"Bilasanmi, men u paytlarda yosh va g'o'rgina shoir edim. Men sevib o'qiydigan barcha san'atkornarning taxallusi bor edi. Albatta, men ularning izidan bordim. Undan tashqari, o'z ismimda she'r chiqarish men uchun xatarli edi. (U paytlarda G'arbiy Belorussiya Polsha qo'l ostida va davlat qonunlariga ko'ra, belorus tilida asar yozish ta'qiqlangan edi. Maksim Tank Belorussiyaning o'z mustaqilligi uchun kurashuvchilar safida edi va uning ismi-familyasi hukmdorlarga tanilib qolgandi. — M.A.) O'shanda men bir necha bor yashirin laqabimni o'zgartirgan edim. Jenka, Viktor, Maksim...



«TANKLAR ICHIDA ENG MULOYIMI»

So'nggi laqabimni Gorkiydan olgandim. Keyinchalik bu ismni o'zimda matbuot uchun ham olib qoldim... Familiyamni esa... Men o'zim qishloqda o'sganman. Oldiniga o'simliklar olamidan birontasini olmoqchi bo'ldim. Ammo, deyarli barcha o'simliklar shoirlar tomonidan olib bo'lingan edi: Kolas, Krapiva, Charot, Vasilyok... Men bu yo'lni takrorlash shart emas, deb o'yadim. Bularga zid, qudratli, po'latday, nazarimda, davrning sertashvish odimlariga hamohang bo'lgan biron taxallusni tanlashga ahd qildim. Mana endi o'shandan buyon Tankman. Bu taxallusda, albatta o'g'il bolalarga xos, bolalik xayollari ham yo'q emas. Ammo keyin, jabhalarda bu taxallusim yomon yangramadi".

Keyinchalik yana bir kuni Minsk Traktor zavodida yig'ilish raisi, shoir Petro Glebka unga so'z bera turib shunday degan: "Hozir juda dahshatli taxallus egasi shoir Tankka so'z beraman. Umumalq quolsizlanishidan

keyin biz saqlab qoladigan birdan bir Tank mana shudir." Rus shoiri Mixail Svetlov esa: "Bu—men bilgan tanklar orasida eng yoqimtoyi va muloyimi" degan edi.

G'arbiy Belorussiyaning mustaqilligi va ozodligi uchun kurash yillarda Maksim Tankning "Manzillarda" (birinchi kitobi-1936), baliqchilar hayoti haqidagi "Naroch" degan dostoni (1937), "Klyukva rangi" (1937), "Machta tagida" (1938) kitoblari bosilib chiqqandi. Ikkinchini jahon urushi yillarda ham uch kitobi chop etilgandi. Urushdan keyin "Voqif bo'lsinlar deb" (1948), "Toshda, temirda va ottinda" (1951), "Yo'lda" (1954), "Jala izlari" (1957), "Mening halon nonim" (1962), "Bir qultum suv" kabi o'narcha kitoblari e'lon qilindi. Uning ijodiy asarlari—she'rlar, dostonlar, ertaklar, nasriy parchalar, tarjimalardan iborat. Ona tiller beloruschada olti jiddi, ruschada uch jiddi tanlangan asarlari chiqqan.

M.Tank she'riyatining an'anaviy o'ichovlari—hozirgi

zamon badiiyati, xalq tilining yorqinligi va musiqiyligi yonida tura oladi, shoirona kashfiyotlarga boyligi, samimiy va oddiyligi bilan o'quvchini o'ziga jaib qiladi. Ko'tarinlik va tabassum, ishonarli o'y-xayollar va qoyil kinoya, tabiat lavhalari va lo'nda aytilgan manzumalar, lirik miniyatURA, ko'ptarmoqli she'riy hikoya—bularning bari uning ijodida quyma, tabiiy, yashashga haqlidir.

M.Tank davrni juda aniq his qilardi. U har doim o'quvchi bilan hammani o'ylatuvchi va hayajonga soluvchi narsalar to'g'risida gaplashardi. Ammo unda dabdbabozlikdan asar ham yo'q. Taranglashgan fikr va jorli tuyg'ular bilan to'la bu she'riyat o'z o'quvchilarini hech vaqt befarrap qoldirmaydi. Tankning satrli bo'yoqlarining quyuqligi, yorqinligi va aniqligi bilan kishi xotirasida uzoq o'rashib qoladi. Uning timsollarini esankiratmaydi, ifodaliligi va sig'im-boyligi bilan kishining ko'ngliga o'tirishadi.

M.Tank ijodining kattagina qismi bolalar uchun mo'ljallangandir. Bular faqat ayrim yoshdag'i bolalar uchun emas, ham kichik, ham o'rta, ham katta yoshdag'i

Maksim TANK

Qo'shiqlaring jonday aziz,
Qayinlarin, toling ham.
Eh, sevaman seni hadsiz,
Sevaman seni, o'lkam.

Kulbam uzra turna sasi,
Shamolning hushtagi ham—
Muqaddasdir bu hammasi,
Sevaman seni, o'lkam.

Tutqunlikka chidash berding,
Olishding har ofat-la,
Isyonli ishq ila sevdim
Seni, vatan, dard ila.

ONA TILIM

Bu tilda daryolar va emanzorlar,
Dalada boshqolar, o'tlogda o'tlar,
Quyuq qamishzorlar, indagi qushlar
So'ylagani uchun tanlaganim yo'q.
Bu tilni bilganlar yoqimli g'ijjak,
Zarg'aldoq yo shoir bo'lishi oson—
Bu til oson til deb tanlaganim yo'q.
Men ona tilimni tanladim, chunki
Ko'p ma'yus qo'shiqlar yaralgan unda.
Men ona tilimni quyoshday porloq
Insoniy baxt bilan boyitgim kelar.
Menga oson emas bu tilda yozish,
O'zga tilda yozish birmuncha oson.

ETTI BETLI KITOB

Uka, mana, yetti yoshli
Bo'lib qolding.
Senga o'zim yetti betli
Kitob oldim.

Birinchi bet derki, yurting
Belorusdir.
O'zing ekkan donni yegin,
Shu—durustdir.

Ikkinchiyu uchinching
Gapi shular:
Oltin tongga quvonchlarining
Bog'liq bo'lar.



NOVDA VA CHITTAK


Tol novdasiga
Yalindi chittak:
"Bolalarimni
Tebratgin qittak?"
Novda ko'nmadi,
"Tebrat!" der o'zing.
"Echkilar, boring,
Novdani uzing!"
Echkilar:
"Yo'q!" der...
Qichqirar chittak:
«Hoy, bo'z bo'rilar,
Shoshilmox kerak,
Qaysar echkilar
Dodini bering.
Qaysarliklarin
O'zingiz ko'ring:
Novda bolamni
Tebratgani yo'q,
Echkilar tolni
Qiyatgani yo'q».
Bo'rilar gapga
Quloq osmaslar,
Hatto yarimta
Qadam bosmaslar.
Chittak ularni
jazolash uchun
Ovchi chaqirdi,
Sarflab bor kuchin.

To'rtinchiyu beshinchini bet
So'ylar albat:
Dunyo yorug' — qanday uyat!—
Uying zulmat!

Oltinchida shu gap, shu dard
Hali-hali,
Nazdimizza, ingrab yig'lar
Bahor yeli.

Yetinchi bet so'rар sendan:
Netmoq kerak?
Ozodlikni kurash bilan
Yutmoq kerak.

Qiyin-ku, deb, buni anglash
Qo'rhma biroq,
Tushun: Oson bo'lar yashash,
Uying porloq.



To'lin oy yoritibdi
Butun qishloqni.
Iliq yellar tebratar
Mayin yaproqni.

—Uyqum yo'qdir, oyijon,
Uyqusiz ko'zim.
—Uxla, uyqung ko'zingni
Topadi, qizim.

Bog' gullari muattar,
Sayraydi bulbul.
Bulbulning qo'shiqlarini
Tinglayotir gul.

Menga ber, tong, qo'shiqlaringni—
To'rg'aylarning sadolarini,
Ast-asta yo'l bosganimda
Or'mon, dala sabolarini.

Menga ber, tush, xavotiringni,
Odamlarning tashvish, o'ylarin.
Ishchilarining egniboshiday
Terga botsin xizmat ko'ylagim.

Menga ber, shom, qittay qora non,
Quy ozgina qora sho'rvangdan.
Darig' tutma shirin suhbatu—
So'z aylanib yurgan davrangdan.

Menga ber, tun, qorong'ilikni,
Bog'larimni bekitib yotsin,
Tushmasin hech dashman nazari,
Avlodlarga sog'omon yetsin.

* * *
Bog' imiz to'la gullar,
Kushbo'y havosi.
Tun bo'yi chahchahlaydi
Bulbul sadosi.

Uyqum yo'qdir, oyijon,
Uyqusiz ko'zim.
—Uxla, uyqung ko'zingni
Topadi, qizim.

To'lin oy yoritibdi
Butun qishloqni.
Iliq yellar tebratar
Mayin yaproqni.

—Uyqum yo'qdir, oyijon,
Uyqusiz ko'zim.
—Uxla, uyqung ko'zingni
Topadi, qizim.

Bog' gullari muattar,
Sayraydi bulbul.
Bulbulning qo'shiqlarini
Tinglayotir gul.

—Oyi, derazamni men
Ochib qo'yay lang.
Uyqum, balki, gul terib
Kelar rang-barang.

TO'RG'AY

Babor uni sayratdi,
U hammani uyg'otdi.
Obbo to'rg'ay-e!

Marvaridgul, kel, dedi
Qo'ng'irog'ing chal, dedi.
Obbo to'rg'ay-e!

Gulni gullatdi bog'da,
Suv oqizdi o'tlog'da,
Obbo to'rg'ay-e!

Quyosh chiqar tezda, der,
Turing do'star siz-da, der.
Obbo to'rg'ay-e!

El mehr qo'ygan unga,
Baborni chulg'ar gulga.
Obbo to'rg'ay-e!

* * *
G'amingizni yeyman, jon yurdoshlarim,
Hosilingiz qanday? Uyqungiz tinchmi?
Tor emasmi yotgan uy-joylaringiz?
Bahorda daraxtlar gullayaptimi?
Dunyoviy g'amlarim—
Halol nonim shu!

Ba'zan achchiq bo'ldi changga belanib,
Ba'zan sho'rtang bo'ldi ko'z
yoshlarimdan,
Ba'zan o'qdoridan isib ham ketdi,
Lekin do'star bilan ko'rganda baham
Qanday xushbo'y bo'ldi,
qanchalar shirin—
Mening halol nonim!

Faqat bir iltijo:
Jomadonimga
mehmon kutadigan dasturxonimga,
Qaytsam... ko'ksimdag'i
qonsiz qo'llingga
O'zgalar nonini qo'y mangiz aslo...

ЭЪЛОЛ

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишилаб информатика фани бўйича “Ўзбекистон — тараккиёт сари” кўрик-танловини ўтказади**

Кўрик-танлов 2001 йил ноябрь ойида информатика байрами билан якунланади.

Кўрик-танловда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими муассасаларининг ўкувчили (якка тартибда ёки 2-3 кишилик жамоа билан) қўйидаги номинациялар бўйича иштирок этиши мумкин:

1. Ўкув компьютер программалари.
2. Амалий программалар.
3. Интернет сайтлари.
4. Компьютер графикиси ва мультиплексация.
5. Информатика олимпиадаси
6. Кийбординг мусобақаси.
7. Оригинал жанр.

Кўрик-танловда иштирок этишни хоҳлаган ўкувчилилар қўйида келтирилган манзил бўйича Хайъатга шу йил 30 июлгача ариза билан мурожаат этишлари лозим.

Аризада иштирокчи(лар) ва улар илмий раҳбарлари, қайси номинацияларда иштирок этишлари, тақдим этиладиган программалар ҳақида тўлиқ маълумотнома берилиши керак.

Кўрик-танловга тақдим этиладиган ўкув ва амалий дастурлар, интернет сайтлари, график ва мультиплексацион материаллар оригинал ва ўкувчилилар томонидан мустақил ишлаб чиқилган бўли-

ши талаб этилади (мутахассиснинг илмий раҳбарлиги жоиз).

Танлов ҳайъати лозим топилган дастур ва материалларни 2001 йил октябрь ойида муаллифлардан сўраб олиши мумкин.

Дастурлар ва интернет сайтлар информатика байрами давомида иштирокчилар томонидан намойиш этилади. Информатика олимпиадасида иштирокчилар 4 соат давомида программалашга оид масалалар ечадилар. Кийбординг мусобақаси иштирокчилари чекланган вақт давомида муайян матнни киритиб, қоғозга чиқарадилар. Оригинал жанр иштирокчилари информатикага оид плакат, ҳикоя, кўшиқ каби юмор билан йўғирлган номерлар тақдим этиладар.

Кўрик-танлов галиблари ва уларнинг илмий раҳбарлари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади. Энг яхши дастурлар ўкув жараёни ва амалиётта татбиқ этишга тавсия этилади.

Информатика байрами куни иштирокчилар республикамизнинг атоқли олимлари билан учрашадилар, маърузалар тинглайдилар, компьютер технологиясининг энг янги жиҳозлари билан танишадилар.

**Ҳайъат манзили: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5.
Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими Маркази, Академик лицейлар бошқармаси, М. Якубовага.**

Телефон: 139-44-38, 139-44-37
Электрон почта: liseylar@markaz.tkt.uz



РЕПЕТИЦИЯ ТЕСТЛАРИ НИМА БЕРАДИ?

2000 йилда ўтказилган тест синовлари якунлали таълим-тарбия соҳасида фаолият кўрсатаётган мутасадди ташкилотлар олдидағи аниқ вазифаларни кўрсатиб берди. Айниқса, умумий ўрта таълим мактаблари ўкувчиларига бугунги давр талашибига мос билимлар берилаяптими, мактаблардаги дарс жараёндан ўкувчилар қониқаяптими, деган саволлар анчайин ойдинлашди.

Ўкувчилар тест синовларида яхши натижалар кўрсатиб, ўкув юртларига қабул қилинишлари учун асосий мезон билимдир. Лекин, тест синовларининг муваффақиятли ўтиши ўкувчилар ўртасида касбга йўналтириш ишларининг қандай йўлга кўйилганингига ва уларнинг билим савияларини тўғри баҳолашга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Давлат тест маркази ўкувчилар билимини аниқлаш ва уларга тест назоратлари ўтказилиш технологиясини ўргатиш мақсадида умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларини бирламчи синов тестларидан ўтказмоқда. Бу тадбирлар факатгина ўкувчининг билим савиясини аниқлаб колмасдан, уларнинг қизиқишини, танлаган касбининг тўғрилигини аниқлашга имкон берса, иккинчи томондан таълим жараёнининг мониторингини яратиш, ўкувчиларнинг мактаб билимлари ва ўкув юртларидаги рейтинглари асосида айrim фанларнинг ўқитилиш сифатини аниқлашга имкон беради.

Вилоят ва шаҳар мактабларида таълим-ташвиқот ишларининг қандай йўлга кўйилганинг синов тестларida қатнашган ўкувчилар сони кўрсатади. Таълимий тест синовларида қатнашган ўкувчилар сони умумий битирувчилар сонининг 15-20 фоизини ташкил қилган ҳолда, баъзи бир вилоятлarda бу кўрсаткич ниҳоятда кичикдир. Масалан, Сирдарё, Фарғона вилоятларида 2 фоизга яқин ўкувчилар қатнашган бўлса, Қашқадарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида бу кўрсаткич 3 фоизни ташкил қилган. Бу борадаги ҳолни кўйидаги жадвалда кўришингиз мумкин:

| | | |
|-------------|-------------------|--------------|
| 8 | Жizzах вилояти | 2474 |
| 9 | Навоий вилояти | 1811 |
| 10 | Самарқанд вилояти | 4117 |
| 11 | Сирдарё вилояти | 156 |
| 12 | Тошкент вилояти | 1088 |
| 13 | Тошкент шаҳри | 4667 |
| Жами | | 25604 |

2001 йилги синов тестлари натижаларига кўра лицейлар, мактаб битирувчиларининг ҳамда абитуриентларнинг тўплаган баллари бўйича тақсимланишини таҳлил қилганда ўкувчилар билим самарадорликлари кўрсаткичлари 2000 йилги абитуриентлар кўрсаткичлари

Очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти кўринишидаги “Электроизолит” Ўзбек-Россия қўшма корхонасининг 2001 йил 1 январгача бўлган

БАЛАНСИ

| Т/р | Кўрсаткичлар номлари | Минг сўм | |
|---------------|--|---------------|---------------|
| | | Актив | Пассив |
| 1 | Устав жамғармаси | | 88630 |
| 2 | Колдиқ қиймати бўйича асосий маблағлар ва номалари | 122550,3 | |
| 3 | Қисқа муддатли молиявий кўйилмалар | 165146,5 | |
| 4 | Ишлаб чиқариш заҳираси | 218991,1 | |
| 5 | Пул маблағлари | 25158,1 | |
| 6 | Хисобдаги маблағлар | 267037 | 123928,4 |
| 7 | Тақсимланмаган даромад | | 497940,7 |
| 8 | Резервдаги жамғарма | | 26154,2 |
| 9 | Кўшилган жамғарма | | 62229,7 |
| БАЛАНС | | 798883 | 798883 |

| | | |
|-----|------------------------------|-------|
| 3. | Қорақалпоғистон Республикаси | 54.25 |
| 4. | Навоий вилояти | 51.58 |
| 5. | Наманган вилояти | 49.71 |
| 6. | Самарқанд вилояти | 46.83 |
| 7. | Фарғона вилояти | 45.56 |
| 8. | Тошкент вилояти | 45.31 |
| 9. | Тошкент шаҳри | 43.23 |
| 10. | Сирдарё вилояти | 39.38 |
| 11. | Қашқадарё вилояти | 36.72 |
| 12. | Сурхондарё вилояти | 35.22 |
| 13. | Жizzах вилояти | 33.27 |

Хакиқатдан ҳам, Бухоро, Хоразм, Фарғона, Навоий вилоятлари ўкувчиларининг 2000 йилги тест синовларида кўрсатган натижалари тасодифан эришилган ютуқ эмаслиги яққол кўринмоқда. Интеллектуал тараққиёт билимга таянр экан, шу билимни ўкувчиларга етарли даражада бериш услублари ҳақида фикр юритиш зарурдир. Нима учун Сурхондарё, Жizzах вилоятларида бу масалада бош қотиришмаяпти?

Халқ таълимни бошқармалари мактаб ўкувчиларининг бу кўрсаткичлари ва ўкув юртларига кириш баллари муносабатини ўрганиб, мактабдан олий таълимгача бўлган узлуксиз мониторингни ҳосил қилишлари ва шу орқали ҳар бир тайёрланаётган мутахассиснинг билими, эътиқоди, миллий истиқлол тоғларига содиқлигини таҳлил қилишлари мумкин.

Давлат тест маркази 2001 йилда ўтказиладиган тест синовларининг адолатли, холисона ўтказилишини янада тақомиллаштириш мақсадида бир қанчада янги илғор технологияларни жорий қилди. Ўкув юртлари билан узвий компьютер алоқасини йўлга кўйди. “АСУ-Абитур” дастури абитуриент ҳужжат топширгандан тортиб ўкув юртига қабул қилинишигача бўлган жараённи тартиба солиб, назорат қилиб туриш имконини яратди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг ишончли пойдевори бўлган ёшларимиз иқтидори, билимини рўйбга чиқариш учун барча имкониятлар мавжуд ва ёшларимизга фақат омад ёр бўлишини истаймиз.

**К.КУРБОНОВ,
Давлат тест маркази мутахассиси**



Республикамиз умумий ўрта таълим мактаблари ўкувчилари ўртасида ўтказилган синов тестларида вилоят ўкувчиларининг рейтинг кўрсаткичлари кўйидаги жадвалда келтирилган.

| N | Вилоят номи | ўртacha самара-дорлик |
|----|----------------|-----------------------|
| 1. | Бухоро вилояти | 63.39 |
| 2. | Хоразм вилояти | 56.28 |

ЗАҲМАТКАШ ОЛИМ

Гўзал Фарғона вилоятининг Бешариқ тумани Навкат жамоа хўжалигига истиқомат қилувчи деқон Қодир ота хона-донида 1948 йилнинг 13 апрелида бир ўғил фарзанд дунёга келади. Унга яхши ният билан Тожимат деб исм қўйишади. Ўшанда ота вақти келиб ўғлиниң республикага танилган олим бўлиб етишишини кўз олдига келтирмаган бўлса, не ажаб! Чет тилига, айниқса инглиз тилига бўлган қизиқиши туфайли бўлса керак, мактабни “аъло” баҳоларга тутагиб, 1965 йили Ҳўжанд Давлат университетининг чет тиллар факультетига ўқишига қабул қилинади. Талабалик йилларида ҳам Тожимат Сатторов ўзининг тиришқоцлиги, билими, зийраклиги билан бошқалардан ажраби турарди. Шунинг учун Т.Сатторовни инглиз тилини кафедрасига ишга олиб қолиша-ди. Изланишлар самараси натижасида у бу ерда катта ўқитувчи, доцент ва кафедра мудири лавозимларида фа-лият кўрсатди.

1983 йили Тожимат Сатторов устози, илмий раҳбари, ме-тодист олим Жамол Жалолов раҳбарлигига Москвада Педа-гогика фанлари академияси қошидаги таълим мазмуни ва методлари илмий текшириш институтида, “Ўзбек мактабла-рида инглиз тили грамматикасини ўргатишиниг ме-тодик мазмунни” мавзусидаги номзодлик диссертациясини мувafferqatiyati ҳимоя қиласди.

1997 йилдан бошлаб Тожимат Сатторов Тошкент Давлат юридик институти чет тиллар кафедрасида доцент ҳамда 1998 йилдан бўён шу кафедрани бошқариб келмоқда.

Олим 1996 йилда Фулбройт дастури бўйича Урбана Шам-пейн шаҳридаги Иллинойс университетида, 1999 йили эса Ани-Арбор шаҳридаги Мичиган университетида малака оши-риб қайтиди.

Олимнинг юздан ортиқ илмий ишлари республикамиз ва чет эл матбуотларида чоп этилган. Ҳалқаро миёсёда ўткази-ладиган анжуманларда ўз маърузалари билан иштирок эт-ган.

1998 йили эса СОРОС жамғармаси томонидан ўтказилган инглиз тили ўқитувчilarinin кўрик-тандовida қатнашиб, шу фонд қошида доимий амал қилувчи инглиз тили ўқитув-чиси увонига сазовор бўлган.

Айтиш керакки, яқинда олим Тожимат Сатторовнинг кўп йиллик илмий изланишлари самараси натижасида “Му-такассислик бўйича амалий машгулутларда бўлажак чет тили муаллимнинг касбий-услубий малакаларини шаклланти-риш” (инглиз тили материалы асосида) мавзусидаги докторлик диссертациясини мувafferqatiyati ёқлади. У талаба-ларга чет тили ўқитиш методикаси фанини мукаммал ўрга-тиш учун тиниб-тинчимайдиган, бутун кучи, билимини, таж-рибасини аямайдиган истеъодли, заҳматкаш устоздир.

Бундан ташқари олим малакавий ишлар: магистрлик ва номзодлик диссертацияларига раҳбар ва маслаҳатчи сифа-тида ҳам фаоласидир.

Оилада эса Тожимат Сатторовни меҳрибон ота сифатида ҳурмат қиладилар. Олим ўз турмуш ўртоги билан фарзанд тарбиялаб, вояга етказмоқдалар. Қизлари эса университет талабасидир.

Биз заҳматкаш олим, ўрта Осиё республикалари ичида чет тили ўқитиш методикаси фанидан ягона фан доктори, тажрибали педагог, фаол жамоатчи ва севимли мураббий Тожимат Сатторовга соғлиқ, оилавий тутувлик ва ижодий баркамоллик тилаб қоламиз.

А.АБДУАЗИЗОВ,

ЎзМУ хорижий филология факультети-
декани, профессор,

Х.РАҲИМОВ,

Низомий номидаги ТДПУ чет-
тиллар факультети декани

Мусика — инсон қалбининг нозик торларидан чеरтилган оҳанг. У эшитувчини ўзига ром айлаб, уни кўйда янграётган дарду алам, кувончу шодлика ошуфта айлайди. Шу бois бўлса керак, эзгуликка, севига йўғилган инсон қалби доимо мусика тинглашга интиқ яшайди.

Биз бугун сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонимиз — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор, М.Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг халқ чолғу-асбоблари кафедра-



“Ажам тароналари”, “Муножот” қисмлари, “Мушкулоти Дугоҳ”, “Насри Сегоҳ”, “Уфори насли сегоҳ”, “Насриллои”, “Дилхироҳ”, “Роҳат”, “Кўшичинор”, “Гулзорим” каби мослаштирилган куйлар ва туркумий асарлар ўрин олди. Шу билан бирга И.Бах, Г.Гендель, Л.Бетховен, В.Мо-царт, И.Брамс, П.Чайковский, М.Бурхонов, И.Хамроев, Ф.Ко-диров, М.Тожиев, С.Бобоев каби таникли жаҳон ва ўзбек композиторларининг кенг тарқалган асарлари Ахмад Одилов ижросида ўзига хос оҳанг кашф этган ҳолда кўплаб мамлакатлар-

МУСИҚАДАН БАХТ ТОЛГАН ИНСОН

сининг кўп йиллар давомида мудири лавозимида фаолият кўрсатган Аҳмаджон Одилов айтиш мумкини, худди ана шундай инсонлардандир.

— Санъатга, чолғу асбобларини чалишга қизиқишим, — дейди биз билан сухбатда А.Одилов, — оиласда бир ҳавас, болаларча ҳайратланиш бўлган бўлса, мактаб даврида бу орзуларим ушалиб, мактабда ташкил этишга мева бўлган ўрганинг “Уфори”, “Полька”, “Дилхироҳ”, “Қари Наво” каби халқимизнинг қадимий кўйлари мени санъат саҳнасига олиб чиқди.

Ҳа, бугун санъат шоҳсупасидан ўз муносиб ўрнини эгалланган домланинг илк қадамлари ана шундай бошланиб, сўнгра билимини оширишга бўлган ишиётини уни Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртига етаклади. Бу даврда у билим олиши билан биргаликда кўплаб етук санъаткорлар билан яқиндан таниши ва ўз устида яна кўпроқ изланиш, меҳнат килиш лозимлигини англади. Сидқидилдан қилинган меҳнат, интилишлар самараси ўларок, А.Одилов Ўзбекистон Давлат филармонияси тасаррufидаги А.Петросянц раҳбарлик килаётган ўзбек ҳалқ чолғу-асбоблари оркестрига ўқувчилик пайтидаёқ созанди бўлуб ишга ки-

ради. 1945 йили эса ўқитувчи А.Петросянцнинг бевосита кўмаги билан халқимизнинг кўй-қўшиқларини ўшларга ўрга-тиш мақсадида ўзи раҳбарлигидан марказий ўқувчилар саройи қошида болалардан иборат биринчи ўзбек ҳалқ чолғу-асбоблари оркестрини ташкил этишга мева бўлган ўрганинг ўрганинг “Уфори”, “Полька”, “Дилхироҳ”, “Қари Наво” каби халқимизнинг қадимий кўйлари мени санъат саҳнасига олиб чиқди.

А.Одилов билим юртини мувafferqatiyati битиргач, ўқиши Тошкент Давлат консерватори-ясида давом этириб, уни ўзбек ҳалқ чолғу-асбоблари факу-тетининг чанг якканавозлиги, оркестр дирижёриги ва ўқитувчилик ихтисосликлари бўйича якунлади. Шундан эътиборан ўз мутахассис сифатида ўзбекистон филармонияси қошидаги ўзбек ҳалқ чолғу-асбоблари оркестрида якканавоз концерт ижрочиси ва созандаси, консер-ваторияда эса ўқитувчи лавозимларида иш бошлади. Албатта, иш жараёнда ҳам, ўқитувчилик фаолиятида ҳам истеъод, ўз касбини севиш, изланиш устоз санъаткорнинг ютуқларида мухим омил бўлиб хизмат қилди. Ҳозирда у кишининг ре-пертуаридан ҳалқ кўйларидан

да мунтазам янграб келади. Маълумки, мохирлик билан талқин этилган куй ёки қўшиқ одамлар юрагига ўзи йўл топади. Турли ҳалқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

Ҳозирда ҳам устоз бир дам бўлса-да, ўз устида ишлашдан тўхтагани йўқ. Шу кунларда у киши ўзбек ҳалқ чолғу-асбоблари учун дарслерлар, ўкув қўлланмалари тайёрлаш, чанг чолғусига маҳсус мусиқий асарлар яратиш ҳамда бебаҳо мусиқий меросимиз бўлган ўзбек ҳалқ мусиқасини чанг чолғуси ижроилиги имкониятларига мослаштириб, фортепиано жўрлигига ноталаштирилган тўпламларни яратиш устида изланмоқда. Айни кунгача эса “Чанг учун дарслер” 1 ва 2-жилдлари (ҳамкорликда), “Ўзбек ҳалқ чолғуларини ўргатиш усту-лубияти” ва “Ўзбек ҳалқ чолгула-рида ижроилик тархи” каби китоблар ёздики, бугун улар мусиқа ихлосмандлари учун мусиқи кўлланма вазифасини ўтамоқда.

Эзгу иш ҳеч қаҷон беиз кетмайди, дейишади доноларимиз. Дарҳақиқат, шундай. Устоз санъаткор А.Одиловнинг нафа-кат ўзбекистонда, балки жаҳон миёсигидаги эришган ютуқлари, топган хурмат-эътибори яна бир бор фикримиз далили бўла олади.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ
«Ma'rifa» мухбири

АБДУНАЗАР МУАЛЛИМНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ

Бундан йигирма етти йил аввал Абду-назар aka эндигина университетни бити-риб келиб, қишлоқ мактабида иш бошла-ганди. У пайтлар олий маълумотни дега-ни қишлоқ жойда саноқли бўларди. Шу боисми, ўқиган одамга ўзгача ҳавас билан қарашарди. Айнанда, ўқитувчilariga ишлос зўр эди. Одамлар боласин жон-жон деб уларнинг ихтиёрига топширади.

“Муаллим, ўғилчамиз сизнинг кўлингиз-да экан, ўқитиб берасиз-да энди” дерди кўпчилик. Ана шундай кезларда Кул қиши-лоқдаги 37-ўрта мактаб ўқитувчilarini са-ғнига Абдуназар aka Йўлдошев ҳам қўшил-ди...

Ийлар үтаверган сайн одам беихтиёр ўз умрни сархисоб қилиб боради. Босиб ўтилган йўл, қилинган ишлар чиғириқдан ўтказилади. Шунинг асносида умрнинг қувончи дақиқалари - эришилган мувafferqatiyati ва ютуқлар, шу билан бирга, амалга ошмай қолган ниятлар ёдга тушади. Аб-дуназар аканинг ҳам ёшлиқда бир олам орзу-нияти бўлгани аниқ. Уларнинг қан-часи, рӯёбга чиққан-чиқмагани қоронгу, лекин, шуниси аниқки, у кишининг энг эзгу истакларидан бирни ўқитувчи бўлиши эди. Шу тарзда Абдуназар aka қиши-лоқ йигитларини бошлангич ҳарбий хиз-

ронлик чогидаёқ англаб етганди. Мазмунки, оддий қишлоқ боласи ўз келажигига тамал тошини мактаб партасидаёқ қўяди ва бунда муаллим унинг энг яқин маслак-доши хисобланади. Мазмунки, ўқувчilarinin эртага ўз ҳаёт йўлини топиб, ҳар бирор бирор касб ягаси бўлган, қайсиси раҳ-бар, қайсиси моҳир уста бўлган чоғда, синфхоналарда ўттан йилларнинг бежиз кетмагани, экилган ниҳол дараҳтта айла-ниб кўз ўнгингда мева бераёттанини англаб етасан ва бу қалбинята бир олам фаҳр-ва қувонч багишлади.

Абдуназар аканинг асли мутахассислиги - физик. Самарқанд Давлат университетининг физика факультетини тутагиб. Мактабда ҳам дастлаб шу фан бўйича дарс берди. 1975 йилда эса мактаб раҳбарияти у кишига бошлангич ҳарбий таълим раҳбар-лигини таклиф қилди. Абдуназар aka бу таклифни ҳеч иккимай қабул қилди. Чунки, ҳарбий соҳадан ҳам анча-мунча хабардор эди. Маъмурият бу ишни ўнга ишониб топшираётган экан, бу ёғига жон кўйдириси ишламоқ, ишончни оқламоқ ке-рар экан. Шу тарзда Абдуназар aka қиши-лоқ йигитларини бошлангич ҳарбий хиз-

матта тайёрлашдек масъумияти вазифа-ни ўз эзимасига олди. Мактабда бу бора-да ҳали қилинадиган ишлар талайтина эди.

Ўзи туғилиб ўсган Кул қишлоқда меҳнат қилиш Абдуназар aka куч багишлади. Тан олиш керакки, у киши қисқа вақт ичида ўзининг дарс ўтиш услуби, қатъий тартиб ва талабчанигит билан мактаб ма-мумиятининг эътиборини қозонди. Юқори синф ўқувчilarida бошлангич ҳарбий машгулолтарга нисбатан зўр қизиқиши уйгота олди. Яхши муаллим, деган ном билан эл оғизга тушди. Бунга ҳар ким ҳам эришавермайди.

Мабодо Кул қишлоқдаги мактабга борсангиз, дарорд бошлангич ҳарбий машқлар бажариладиган майдончага кўзингиз тушади. Уни Абдуназар aka курдирган. Бошлангич ҳарбий машгулолтар оdatda шу ерда ўтилади. Ўқувчilar бу майдончада ҳарбий хизмат чогида ўргати-ладиган ҳар хил машқларни ўзлаштиради. Шунингдек, эмлик метр узунликдаги ёпик тир ҳам Абдуназар aka курдирган елиб-югуршиларни орқасидан бунёд бўлган. Бошлангич ҳарбий таълим бўйича вилоят ва туман миёсигида туғли услугий семинар-кенгашлар айнан 37-ўрта мактабда ўтказилгани бежиз эмас.

Устоз ўз ишини яхши биладиганлардан. Ўқув дастуридаги ва раҳбарият томонидан айтиладиган бошқа вазифаларни дўндириб бажаради. 1986-87 йилларда бу муаллимнинг ўз ҳамкасларидан иборат курдирши бригадаси тузиб, ҳашар йўли билан 420-ўрнли янги мактаб биноси барпо қилишда бошқош бўлганини қишлоқдошлари яхши эслайди. Лўндасини айтганда, мактабдаги ҳар бир хайрли иш фидойи муаллимнинг аралашувисиз бўлмайди. Ҳар хил тадбирларни намуналӣ тарзда ўтка-зиш бобида бу мураббийнинг олдига тушадигани йўқ. 1996 йилда Ургут тумани бўйинча ўтказилган “Шунқорлар” деб номланган ҳарбий спорт кўрик-тандовда А.Йўлдошевнинг ўқувчilarini биринчи ўринни эгалиди. Ганловнинг вилоят босқичида эса улар фаҳроли иккиминчий ўринни кўлга киритди. Буларнинг бариси, табиийки, устоз меҳнатларни самарасидир.

РЕЖАНИ ТЕЗЛАШТИРМОҚЧИ

Би-Би-Сининг хабар беришича, Америка Кўшма Штатлари Ракета Хужумидан Мудофаа (РХМ) тизимини такомиллаштиришни тезлатмоқчи. Пентагон ташкилоти вакилининг билдиришича, мудофаа вазири Аляска оролидаги синов полигонларини молиялаштиришни сўраб мамлакат Конгрессига мурожаат этди. Лекин, Американинг 1972 йилги шартномадан чиқиб, РХМ тизимини кенгайтиришга ҳаракат қилишидан дунёнинг кўплаб давлатлари норози бўлмоқдалар. Тахминларга кўра, АҚШ конгресси мазкур режани маъқулламаслиги ҳам мумкин.

ЯРАШИШ УЧУН КОМИССИЯ

Бир неча ой давом этган яширин музокаралардан сўнг туркиялик ва арманистонлик атоқли олимлар ҳамда собиқ сиёсатдонлар иккиси давлат ўртасидаги муносабатларни яхшилаша маъсадида комиссия тузишга келишиб олдилар. Ёдга олса, Туркия хукумати бундан 10 йил аввал Корабог мажароси сабабли Арманистон билан дипломатик алоқаларни тўхтатган эди.

Лекин, кўпчиликнинг фикрича, асосий муммо—XX аср бошида юз берган I-жаҳон уруши даврида Усмонийлар империяси томонидан арманларнинг оммавий кирғин этилишидир. Ўшанда таҳминан бир миллиондан ортиқ арманлар ҳаётдан кўз юнган эди. Аммо, расмий Истамбул ушбу маълумотни рад этмоқда.

РОССИЯ ТАЛАБНИ РАД ЭТДИ

Россия Федерацияси журналист Дододжон Атовуллоевни Тожикистон хукумати ихтиёрига беришини рад этди. У ўтган хафтада Германиядан Москвага келганида аэропортда қўлга олинган эди. Расмий Душанбе Дододжон Атовуллоевни мамлакатдаги мавжуд конституцион тузумга карши чиқиша ва президент Имомали Раҳмоновни хақоратлашса айланмокда. Германия ташкишилар вазири Йошка Фишер эса агарда журналистни Тожикистонга топширадиган бўлса, унинг ҳаётига хавф туғилиши мумкин, дея расмий Москвадан Атовуллоевнинг берилмаслигини сўради. Дододжон Атовуллоев 1992 йил Тожикистондаги фуқаролар уруши бошланганидан бўён муҳолифат газетасини Москвада чоп этиб келмокда.

ЎТГАНЛАР РУХИ ЁД ЭТИЛДИ

Куни кече олти мингга яқин босниялик мусулмонлар Сребреница шахрига келдилар ва Босния-Герцеговина мажароси даврида босниялик серблар томонидан оммавий равишда ўлдирилган мусулмонларни хотирлаш масросини ўтказдилар. Ўшанда 7,5 минг атрофидаги эркак ҳамда ўсмиirlар ҳалок бўлган эдилар. Уч тонналик ёдгорлик тошининг очилишида уруш туфайли 20 дан ортиқ қариндошидан айрилган аёл ҳам иштирок этди. Шу куни шаҳарда хавфсизлик ҳолатини таъминлаш учун полиция ва НАТОнинг тинчликпарвар кучлари жалб этилди.

А. АТАХОНОВ



Nobel mukofoti sohiblari

даги атом моделини яратиш фикри пайдо бўлади.

Кўп ўтмай Копенгагенга қайтиб келган Н. Бор шу ердаги университетда ассистент-профессор лавозимида ишлаш билан бир қаторда атомнинг ядро модели билан боғлиқ илмий ишларини давом эттиради.

Маълумки, 1911 йили Резерфорд томонидан таклиф этилган моделда



бир рангли ёргу чизиқ (ёки алоҳида тўлқин узунликлари) бир орбитадан иккичи бир камроқ энергияни орбитага ўтаётган электронлар чиқараётган ёргулик нурига мос келади.

Борнинг бу илмий фояси 1913 йили илмий рисола сифатида эълон қилинди ва олимга машҳурлик келтириди. Унинг бу модели илм оламида Бор атом модели номи билан тан олинди.

Нильс Бор яратган кашфиётларнинг муҳимлигини ўз вактида пайкараган Э. Резерфорд уни Манчестер университетига таклиф қиласди. 1914-16 йиллари Англиядаги ишларни Н. Бор 1916 йилдан Копенгаген университетидаги профессор лавозимида, 1920 йилдан бошлаб эса ўзи ташкил этган назарий физика институтига раҳбарлик қила бошлайди.

1922 йили Нильс Борга атом тузилиши ва унда юз берадиган нурланишларни ўрганиш борасидаги буюк хизматлари учун физика соҳасидаги Нобел мукофоти берилди.

ОИЛАВИЙ СОВРИНДОРЛАР

ланиб туради эди.

Нильс Бор болалигидан футбол ва чанги учиш спортининг ашаддий ишқибози эди. У Копенгаген университетида ўқиб юрган чоғидाहа иммий изланишларга бўлган қизиқиши ва иқтидори билан ажralиб турар эди. 1907 йили у шу университетнинг бакалаври бўлди. Унинг битириув диплом иши суюқликлар оқимининг тебранишларини ўрганишга доир бўлиб, Данія қироллик академиясининг олтин медали билан тақдирланди. Унинг металларда электрон назариясига багишланган докторлик диссертацияси жуда усталик ва юкори иммий марака билан бажарилган назарий тадқиқот сифатида тан олинди.

Ўтказилган изланишлар натижасида Бор, классик назариялар электронларнинг табиатини тўла ёритиб бера олмаслигига тушуниб етади. Шу боис, 1911 йили докторлик иммий дараражасига эришган Нильс Бор Англиядаги Кембриж университетига 1897 йили электронни кашф этган Ж. Томсон лабораториясида боради. Лекин, бу вақтда келиб, Томсон бошқа муаммолар устида ишламоқда эди.

Шу йиллари Манчестер шахрида Э. Резерфорд ва унинг ходимлари олиб бораётган элементларнинг радиоактивлиги ҳамда атомлар тузилиши билан боғлиқ иммий йўналишлар Борни қизиқтириб қолади.

1912 йилнинг бошида Манчестерга келган Бор ушбу иммий ишларнинг моҳиятини ўрганишга астойдил киришиб кетади. Резерфорд ва бу ердаги бошқа олимлар билан ўтган сұхбатлар ва мунозаралардан Бор учун Резерфорд яратган ва хали тўла тан олинмаган атом модели тугалланмаган иммий муммалиги мальум бўлди. Шу тартика Нильс Борда янги кўриниш

атом мусбат зарядли ядро ва унинг атрофидаги орбиталар бўйлаб ҳаратка бўладиган манфий зарядли электронлардан иборат бўлади, деб қаралган эди.

Лекин класик электродинамикада айтилганидек, орбита бўйлаб ҳаракатланадиган электрон ўз энергиясини ёргулик ёки бошқа кўринишдаги электромагнит нурланиши сифатида ўқота бориши керак эди. Энергияси камая борган электроннинг охир-оқибат ядрога кулаг тушши эса ўша атомнинг бузилишига олиб келади.

Шунинг учун ҳам Бор атом тузилишини тушунтириб беришда квант назариясини қўллаш кераклигини таклиф қиласди. Шу нұктай назардан келиб чиқиб Бор, электронларнинг баъзи рухсат этилган турғун, энергия чиқармайдиган орбиталарда бўлиши мумкинлиги, яъни электрон фақаттинга бир орбитадан иккинчи орбитага ўтганда энергия олиши ёки йўқотиши мумкин, деган гояни олга сурди. Бу ҳолда электрон энергиясининг ўзгариши катталиги, орбиталар энергияларининг фарқига айнан тенг бўлади.

Электрон-заррачаларнинг фақат аниқ орбиталарга эга эканлиги тўгрисидаги ғоя ўша пайтдаги оламшумалу янгилик эди.

Н. Борнинг янги атом модели ўша пайтда фалатироқ туйолгани билан физиклар олдида турған кўплаб муаммо ва мунозаралар ечимини кўрсатиб берди. Жумладан, бу ғоя элементлар спектрларини ажратишда жуда кўл келди.

Нурланаётган элемент (масалан водород атомларидан иборат қизиған газдан чиқаётган ёргулик нури призмадан ўтганда узлуксиз ёргулик спектри эмас, балки ораларида кора пардалар бўлган бир неча ёргу чизиқлардан иборат спектр ёхисил бўлади. Бор назариясига мувофиқ ҳар

1930 йиллардан бошлаб Н. Бор ядро физикаси соҳасида ҳам иммий изланишларга кўл урди. Шу йиллари Энрико Ферми ўз ходимлари билан нейтронлар ёрдамида бомбадимон қилинган атом ядроси хусусиятларини ўргана бошлаган эди. Бу борада Бор ядронинг томчи моделини таклиф этади. Бу модель сув парчасининг томчиларга ажralишидан қиёсланган бўлиб, 1938 йили Otto Фриш ва Лиза Майтнерлар томонидан ядронинг бўлниши тўгрисидаги назариянинг яратилишида катта туртки бўлди. 1939 йили эса, Нильс Бор уран изотопларидан бири, аниқроғи уран-235 да парчаланиш хусусияти борлигини аниқлади. Бу эса атом бомбасини яратилишига асос бўлди. Иккичи жаҳон уруши йиллари ва ундан кейин ҳам Н. Бор ядро қуроллари синовларини ва умуман уларни ишлаб чиқарishни батамом тўхтатиш шиорини кўтариб чиқди.

У кўринишдан баланд бўйли ва ҳазил-мутойибага усталиги билан ўз дўйстлари орасида алоҳида ажralиб турган. Дўйста сұхбатлашиш ва меҳмондорчиликка устаси фаранг бўлган Нильс Бор 1912 йили Маргарет Норлундга ўйланган. Уларнинг оиласида олти ўғил дунёга келган бўлиб, тўртинчи ўғилнинг исми Оге эди.

Буюк физик-назариётчи олим Нильс Бор 1962 йили 8 ноябрь куни Копенгагенда уйида юрак ҳаста-лигидан оламдан ўтди.

Кейинчалик отасининг изидан борган ва отаси каби Нобел мукофотига сазовор бўлган Оге Бор тўгрисидаги ҳикоямизни кейинги мақолада давом эттирамиз.

Абдумажит ТЎРАЕВ,
физика-математика фанлари
номзоди,
Ўзбекистон Физика Жамияти
ҳайъати аъзоси

АСИРЛАР ОЗОД ЭТИЛАДИМИ?

Рейтер агентлигининг хабар беришича, Нью-Дехлида жойлашган Покистон элчихонаси ёнида намойиш бўлди. Унинг катнашчилари расмий Исломободдан хиндишонлик ҳарбий асирларнинг озод этилишини талаб этдилар. Хиндишон хукуматининг маълумотига кўра, 1971 йилда бошланган иккича давлат ўтасидаги можаро туфайли хозирда Покистон хибоналарида 1300 нафар маҳбус сакланадиган бўлиб, уларнинг 50 дан ортиқроғи ҳарбий хизматчилардир.

Намойиш иштирокчилари Покистон президенти Парvez Мушарраф ҳамда Хиндишон бош вазири Атала Бихари Ваджпайларнинг бўлғуси учрашувлари арафасида асирларнинг озод этилишларини хоҳламоқдалар.

АСКАРЛАР БЕБОШЛИГИ

Инсон хукукларини химоя этувчи "Human Rights Watch" ташкилоти ва "Мемориал" жамияти маҳсус маъруза тайёрладилар. Маълум бўлишича, жангаришни тугатиш ишларини олиб бораётган Россия федерал кучлари томонидан амалга оширилаётган ўзбошимчаликлар туфайли Чеченистандаги кўплаб кишлоқ маъмуряятлари раҳбарлари ихтиёрий равишда бўшаб кетишишада. Ҳозирда бу борада ҳарбийлар устидан 200 га яқин шикоят тушган. Шунингдек, хабарларга қаранди, Ассинов ва Серноводск туманларининг 800 нафар аҳолиси ҳам бу хилдаги адолатсизликларга чидамасдан кўшни Ингушетияга кетиб қолганлар.

МУЗОКАРАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Македониядаги славян ва албан партиялари ўтасида бир неча кундан бери музокаралар олиб бориляпти. Унда асосан НАТО ва АҚШ томонидан таклиф этилган этник можарони ҳал этиш борасидаги режа муҳокама этилмоқда. Лекин, ҳозирча бу борада бирор тўхтамга келингани йўқ. Бойси, албан гурухлари мамлакатда ўз тиллари давлатнинг иккичи тили бўлишини ҳамда вице-президент вазифасини албан миллига мансуб шахс бахаришини талаб этмоқдалар. Ҳозирда улар тинчликка эришиш маъсадида бир-бирига ўт очмай турибдилар, дейилади "Асошиэйт-тед-Прес" агентлиги тарқатган хабарларда.

ТИНЧИМАЁТГАН МОЖАРО

Иордан дарёсининг гарбий кирғогида Истроил кучлари фаластилик аёлни отиб ўлдирилар. Манбаларнинг маълум килишича, қотиллик Хеврон шахридан жануброқда Истроил назорат ўтказиши жойи яқинидаги юз берди. Афсуски, Истроил хукумати АҚШнинг собиқ сенатори Жорж Митчел бошчилигидаги комиссия ишлаб чиқкан режани амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда ва Фаластин худудида ўз фуқаролари учун уйжой куришишини тўхтатмаяпти. Бу эса ўтадаги низонинг янада кучайишига сабаб бўлмоқда. Ф. ХУДОЙБЕРДИЕВА

ЁШ САНЬАТКОРЛАРНИ ҚЎЛЛАШ УЧУН

Республика Вазирлар Маҳкамаси гастрол концерт фаолияти ва аудио ҳамда видео тасмаларни тарқатиш билан шугулланувчилар фаолиятими солиқча тортишини таомиллашишига қаратилган қарор қабул қиласди.

Хужжатда белгиланди, 2001 йил 1 июлдан бошлаб, гастрол-концерт фаолияти билан шугулланши ҳуқуқини олган юридик ва жисмоний шахслар "Ўзбекнаво" эстрада-концерт бирлашмаси томонидан аниқлаб берилган рейтинг гуруҳига тааллуқлишига қараб даражаланган миқдорда давлат божи тўлайди, ҳамда давлат ва маҳаллий бюджетга солиқлар тўлашдан озод этилади. Қарорда берилган иловада бу турдаги фаолиятнинг тўртта рейтинг гуруҳи ва учта тоифаси белгилаб берилган. Булар: гастрол-концерт, тўй, юбилей ва бошқа тантаналарга бадших хизмат ва кўнгилочар муассасаларга концерт-томоша хизматидан иборат.

Дастлаб фаолият бошлиётган ижодий жа-

моа ва ижрочилар давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб бир тақомида бож тўловларидан озод этилади. Лицензиялар бериши тўгерисида аризаларни кўриб чиқши учун олинадиган ўйигимлар ва шунингдек, лицензиялар учун тўланган давлат божлари ҳам эстрада санъатини ривожлантиши жамгармасига ўтказилиди.

Қарорда давлат божини тўлаш бир вақтнинг ўзида ва ёки лицензия берилган ишларни ҳар чоракда тўлаб борилиши мумкинлиги қайд этиб қўйилган. Эстрада санъатини ривожлантиши жамгармасининг маблаглари эса эстрада фаолиятими ривожлантиши ва қўллаб-қувватлаш, мусиқий кўриклар, фестиваллар ўтказиш ва уларнинг галибларига мукофотлар бериши, "Ўзбекнаво" эстрада-концерт бирлашмасининг моддий-техникавий негизини мустаҳкамлашига ишлатилади.

"Туркистан-пресс"



УЧ РАССОМ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Бадиий Академиясининг Марказий кўргазмалар залида таникли уч рассом — Содик Раҳмонов, Раҳим Ризомуҳамедов, Зайниддин Фахридиновларнинг 200 дан ортиқ бадиий асарлари намойиш этилди. 10 кун давом этган бу кўргазмада ҳар куни зал одамлар билан гавжум бўлди. Учала рассом ҳам 50 ёшга тўлди. Тасодифни қарангки, булар деярли бир вақтнинг ўзида Республика бадиий билим юртини, сўнг Тошкент театр-расомчилик институтини тутатдилар ҳамда яна бир вақтнинг ўзида Бадиий Академиясининг бадиий ижодкорлар уюшмасига аъзо бўлдилар.

Содик Раҳмоновнинг ранг-тасвир йўналишида яратган асарлари Тошкент, Бухоро, Красноярск, Николаевский (Россия), Шымкент (Қозогистон) шаҳарларидаги кўпгина биноларни беза-

ради, замондошлар тасвиirlари ни яратди. Кўргазмада намойиш этилган таникли санъатшунос Р. Тоқтош, мусавиirlар А. Абдулаев, Р. Чориев портретлари кишиларда катта қизиқиш ўйготди.

Зайниддин Фахридиновнинг ижоди эса экспресс ва фалсафий маънони касб этиди.

Рассом ҳукмдорлар ва ҳалқнинг тарихий тақдирни, инсоннинг яхшилиги ва золимлиги хусусида хаёл суради. Тарихий фалсафий асарлар билан бир қаторда бозорда доришурушлар, байрамлардаги маиший саҳналари намойиш этилди. Айниқса, З. Фахридиновнинг лирик, импрессионистик манзаралари алоҳида диққатта сазовор бўлди. Бу уч рассом Ўзбекистон Бадиий Академиясининг кумуш медаллари билан мукофотланди.

Ш.АҲМАТОВ,
Л.АЮПОВА



МИЛЛИЙ РАҚС БҮТУЖТИ КУЖДА

— Миллий рақс тарихан учта ҳудудий гуруҳлардан тарқиб топган. Булар Фаргона, Бухоро, Хоразм рақс мактаблари. Уларнинг ўзига хос мазмунни, зарблари, оҳанглари ноzioni, нағис ҳаракатларда хистайгуларни ёрқин акс этиради. Бой меросни асраш ва ривожлантиши учун 1997 йилда миллий рақс бирлашмаси тузили ва унга Мукаррама Тургунбоева билан ҳамсуҳбат бўлдик.

— Юлдуз опа миллий рақсиз тарихига тўхталиб ўтсангиз.

фаолият олиб бормоқда. Булар "Баҳор" ансамбли, "Лазги" давлат ашула ва рақс ансамбли, "Танновар" ўзбек рақс театри, "Зарафшон" ва "Етти гўзал" ансамбллари.

— Бу гуруҳлар ҳақида батафсилоқ гапириб ўтсан.

"Баҳор" ансамбли 1957 йилда ташкил этилган. У аёллар рақс жамоасидан иборат эди. Унда ижро усули, лиbosлар, оҳанглар шундай сараланганни, саҳнада Фаргона хотин-қизларининг санъати акс этиши лозим эди. Айни пайтда ҳар бир концертда Ўзбекистоннинг бошқа минтақалари рақслари ҳам ижро этилиб бормоқда. Бу жамоада М. Тургунбоева 1957-1978 йилларда 150 та рақсни қамраб олган дастурни

ри моҳияти ва услубини акс этириди.

"Етти гўзал" ансамбли эса 1999 йилда Мукаррама Тургунбоева номидаги етакчи якка рақс усталари ва голибларидан ташкил топди. Ҳалқимизнинг қадимий мутафаккирлари 7 рақамига илоҳий тус берганлар: етти сайдер, ҳафтанинг етти куни ва камалакнинг етти хил ранги ва ҳоказо. "Етти гўзал" ансамбли айнан мана шу анъанавий рамзга таянади. Ансамблнинг ўз олдига кўйган мақсади асрлар қаъридан бизгача етиб келган ўзбек якка рақснинг бой меросини сақлаш ва ривожлантишидир.

Шерзод АҲМАТОВ
сүхбатлаши.

МУАЛЛИМ МУЗЕЙ ТАШКИЛ ЭТДИ

Бухоролик муаллим Ҳошимжон Нурони нафақат 16-урта мактаб, балки Ромитан тумани мактаблари жамомалари ҳам яхши танишади. Унинг йигирма йиллик устозлик фаолияти мобайнида купчилик курсатган хизматлари ва эришган ютуқлари уни бу бахтга мушарраф этиди.

Яқинда Ҳошимжон ака яна бир хайрли ишга қўл урди. У узи ишлаб турган 16-урта мактабда Мустакиллигимизнинг ўн йиллиги байрамига багишлиб маҳсус музей хонаси ташкил этиди. Унда утган ўн йил мобайнида юртимизда содир бўлган мұхим воқеаҳодисалар, эришилган ютуқлар, бир суз билан айтганда, юртимиз равнақининг турли жабҳаларини акс этириувчи портретлар, деворий сувратлар, китоблар, миллий истиқлол гояларини акс этириувчи адабиётлар, кўргазмалар ва шу каби мамлакатимиз ҳаётiga оид материаллар жамланди. Шунингдек, бу ердан муаллим неча йиллар давомида туплаб, кўз қорачигидек авайлаб келаётган узоқ утмишиздан хабар берувчи кузга, чойнак каби сопол идиш-тобоқлар, турли хонликлар ва даврларга мансуб пуллар, мисгарлик ва заргарлик буюмлари каби тарихий ашёлар ўрин олган.

"Ҳар дарс бошлинишидан аввал,—дейди Ҳошимжон ака,— уқувчиларимга давлатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ва унда ўшларнинг тутган ўрни, мақсад ҳамда вазифалари хусусида сузлаб бераман. Бониси, ҳар бир угил-қиз ўзининг бутунги кунда жамиятдаги ўрни, мақсад ва вазифаларини аниқ ва чуқур англаб олсагина яхши ўқиди, ўз устида ишлайди, мақсадга қаратаб интилади".

Ҳошимжон ака ўз фанининг стук мутахассиси бўлган учун мактабда ҳафтада бир мактаб жамоаси учун сиёсий дарслар утади. Унда республикамизнинг сиёсий, иқтисолий ҳамда ижтимоий ҳаётida юз бераётган мұхим воқеаҳодисалар шархи, уларнинг ҳалқимиз учун аҳамияти ва бошқа мұхим томонлари хусусида маърузалар ўқимоқда.

И.ИСКАНДАРОВ



«ОЛИМПИЯ ЭКРАНИ — 2001»

Москва шаҳрининг Ҳанжонкова уйида "Олимпия экрани — 2001" номли Умумросия кинофестивалининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Итара-ТАССнинг хабар берига қараганда, бу фестиваль Москвада бошланган Ҳалқаро Олимпия қўмитасининг навбатдаги сес-

сиясига багишлиланади. Бу фестивалда жами 66 та ҳужжатли фильмлар намойиш этилади. Бундан ташқари ушбу кинофестивалга атаб бир қанча қизиқарли дастурлар тайёрланган. Фестивалда яна бир қатор кинофильмларнинг тақдимот маросими бўлиши кутилмоқда. Зулхумор ТУРГУНОВА

«BACK STRUT BOYS»

"Back strut boys" гурӯҳи аъзоси, 23 ёшли AJMeLean бир ойга ал-коголизм ва дипресиядан қутулиш учун шифоҳонага ётмоқчи, деб хабар беради Anopova сот. Шу сабаб "BSB" АҚШ ва Канада бўйича режалаштирган сафарини

кеининг кўчирди. Жаҳон бўйича гурӯҳнинг янги "Black and Blue" деб номланган альбоми нусхалари 8 миллионга сотилган.

MTVga қатнашаётган "BSB" гурӯҳининг аъзолари Эй-Джейнинг ёнини олдилар. Ва бу кунлар ҳам ўтиб кети-

шига шонч билдишлар. Шу билан бирга улар, шахсий муаммоларини гурӯҳнинг обрўси учун оммагдан яширгаганликлари, буларнинг тўғрисўзликларидан далолат беришини таъкидлайдилар. Дилором ЖАМОЛОВА

ШОДЛИГУ FAM ЁНМА-ЁН

11 июль куни бошланган Россия чемпионатининг 2-дравра илк ўйинларида легионерларимиз кўнгилдагидек ўйин кўрсатдилар. Владимир Маминов ва Улугбек Бақеевлар ўз жамоаларининг энг яхи ўйинчиси деба таърифланди. Лекин, афуски, Андрей Акопянц жиддий жароҳат олиб майдонни тарқ этишга мажбур бўлди. Энди у камиди бир ой майдонга тушолмайди...



ЎЗБЕК КУРАШИ АФРИКАДА

Жанубий Африка Республикасининг Хартенбос шаҳрида якунланган ўзбек кураши бўйича Африка очик чемпионатидан халқаро Курас ассоциацияси вакиллари мамлакатимизга кайтиди.

Жанубий Африка Республикасининг Хартенбос шаҳрида миллий курашимиз бўйича дастлабки Африка очик чемпионати бўлиб ўтди. Чемпионатда нафақат Африка қитъасидан, балки Осиё ва Европа мамлакатларидан хам ўзбек кураши бўйича полвонлар гиламга чишиди. Очик чемпионат бир неча кун олдин якунланган бўлса-да, юртошларимиз қайтишга шошилмадилар.

— Сабаби, чемпионат якунлангандан сўнг Африка кураши конфедерацияси томонидан семинар ва йиғилишлар ўтказилиб, биз уларда иштирок этдик, — деди Халқаро кураш ассоциациясининг президенти Комил Юсупов "Туркестон-пресс" мухбирига.

Демак, хозирги куннинг ўзидаёт дунёниг 30 дан ортиқ мамлакатларида ўзбек миллий кураши федерациялари фаолият кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида курашимиз дунё бўйлаб кенг кулжо чопмаган эди.

"Туркестон-пресс"

КУЗАТУВ ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон терма жамоаси устози Владимир Сальков Малайзияда ўйнаган йигитлардан кўнгли тўлганлигини билдириб, лекин, қайси ўйинчилар ЖЧ—2002 II саралаш босқичида иштирок этишини маълум қилмаганди. Айни кунларда терма жамоа устози Россияда бўлиб, у ердаги легионерларимиз ўйинларини кузатмоқда.



Яқинда Абдулла Авлоний номидаги ҳалқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти томонидан чоп этилган Эркин Холмуродовнинг "Эпчил ва чаққонлар сардори" китобчasi қўлимга тушиб қолди. Рисолада Қашқадарёда донг тараттан спорт устаси, ёшларни Ватанга садоқат, жисмоний соғлом қилиб тарбиялашга муносаб ҳисса қўшиб келаётган Шомурод Шерқуловнинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти ҳақида сўз юритида.

Шомурод Шерқулов 31 йилдан бери Касби туманидаги "Ватанпарвар" ташкилотига раҳбарлик қилиб келмоқда. Унинг ташки-

кирган киши бу ерда амалга оширилаётган ишларга таҳсина айтади. Чунки, ҳамма жойда ободончилик, кўкаламзорлаштириш тадбирлари олиб борилган, анвойи гуллар экилган.

Спорт техника клубида талабалар учун қулаи шароит яратилган. Бўлғуси ҳайдовчилар учун юқ автомобили, енгил автомобиллар тузилиши, йўл ҳаракати қоидаларини ўрганиш, хавфисизликни таъминлаш, автобус ва уни бошқариш, лаборатория, амалиёт хоналари ишлаб турибди. Ўқувчилар янги автомобиллар ҳақида ҳам маълумот оладилар.

"Маънавият ва маърифат" хонасининг жиҳозланиши ҳам кишини ўзига тортади.

ЭПЧИЛ ВА ЧАҚҚОНЛОР ТАРБИЯСИ

лотчилиги туфайли спорт техника клуби учун қўш қаватли бино қуриб ишга туширилди. Туман мактаблари ва касб-хунар ўқув юртларида ҳарбий таълим дарсларини ўқитиш яхшиланди. Бошлангич ташкилотлар сони 30 тага етказилди, аъзолар сафи 31450 нафар кўпайди.

—Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини мактаб партасида бошлаш керак,—деди биз билан сұхбатда Ш.Шерқулов.—Илм даргоҳларидаги бошлангич ташкилотлар фаолияти кучайтирилмоқда. Мактабларнинг ҳарбий таълим фани ўқитувчилари билан мустаҳкам алоқа ўрнаттанимиз. Жойларда ҳарбий спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиб борилмоқда.

"Ватанпарвар" ташкилотининг ҳовлисига

Машгулотларни Ваҳоб Аннаев, Файрат Ҳақназаров, Фармон Равшанов, Файбула Музаев сингари тажрибали ўқитувчи мутахассислар олиб бормоқдалар.

Спорт техника клуби ҳузурида картинг, кураш, милити отиш, фигурали ҳайдаш бўйича секциялар фаолият кўрсатмоқда.

Картинг ва мотокросс бўйича республика чемпиони Ўтиқирибдиев, Ўрта Осиё кубоги мусобақалари голиби Акбар Рустамов, вилоят мусобақаси совриндори Анвар Юсупов сингарилар жамоанинг фахри ҳисобланадилар.

Тумандаги "Нуроний", "Камолот", "Маҳалла", "Соғлом авлод" жамғармалари билан ҳамкорликда кекса авлод вакиллари билан учрушувлар ўтказиб борилмоқда.

Иzzat XIKMATOV

«ХУРШИД»—ГОЛИБ

"Маҳалла" жамғармасининг ташабуси билан юртимиз маҳалла болалари ўртасида "Биз—Пахтакор келажагимиз" шиори остида шахримизнинг А.Икромов туманинг "Хуршид" жамоаси хамда Чилонзор туманинг "Шарқ" жамоаси ёш футbolchilari ўртасида қизиқарли беллашув бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар "Маҳалла" жамғармасининг раиси А.Гадойбоев—ушбу турнирнинг асосий мақсади маҳалла ёшларининг спорта бўлган қизиқишини ошириш лозимлиги

ҳақида сўз юритди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўтган йили ўтказилган турнирда асосан бир хил ёшдаги болалар иштирок этишган бўлса, жорий йилда ушбу мусобақа 9-11, 12-14, 15-16 ёшли болалар ва ўсмирлар ўртасида алоҳида ўтказилмоқда. Бу эса бугунги ўсмирларимизнинг спорта бўлган қизиқишилари янада ортганилигидан далолат беради.

Бу йилги мусобақада 200 та жамоа ва 30 минг нафар ёш футбольчи иштирок этди.

Иктидорли мураббий Т.Фуломхўжаев етакчилигидаги

"Хуршид" жамоаси ёш футболчилари 1:0 хисобида "Шарқ" жамоасидан устун келиб, "Биз—Пахтакор келажагимиз" турнирининг голиблигини кўлга киритишди. Ушбу турнирнинг голиби—"Хуршид" жамоаси мутасаддилар томонидан олтин медаль ва кубок, эсдалик совфалари билан тақдирландилар.

Умид ЖАЛИЛОВ

ИРОДАНИНГ КАЙФИЯТИ БАЛАНД

Австриянинг Вена шаҳрида аёллар ўртасида мукофот жамғараси 170 минг долларни ташкил этган халқаро турнир бошланди.

Ушбу турнирга мамлакатимизнинг 1-рақами теннисчиси Ирода Тўлаганова иштирок этиши билан хам узбек учун аҳамиятилидир. Ёш теннисчимиз яқинда ўтказилган Уимблдон турнирининг 3-босқичига етиб бориб, нимчорак финал баҳсларига омади чопмаган эди.

Теннис бўйича йилнинг энг нуфузли турнирларидан ҳисобланган "капта тож" туркумидаги Уимблдон му-

собақаларида қатнашиш мен учун бахт эди,—деди Ирода Тўлаганова. Венага жўнаб кетиш олдишан "Туркестон-пресс" мухбирига.—Бу мусобақада рақибларимдан анча нарсани ўрганди. Венагага турнирдан сўнг Бельгияда бошланадиган аёллар ўртасида ҳалқаро турнирга ҳам ўз кучини синаб кўриш ниятидаман.

Спорт мутахассисларининг таҳминларича, ҳамюртимиз аёллар ўртасида рейтинг очколари бўйича 45-йирнада 48-юғонагача бўлган ораликдан ўрин эталлаши ёхтимолдан холи эмас. Хабарингиз бор, унинг сўнгти

рейтинг кўрсаткичи 52-йирн эди. Ироданинг бир неча погона юқорига кўтарилишига сабаб биринчидан, Голландияда бўлиб ўтган халқаро турнир натижаси бўлса, иккичидан, Уимблдон мусобақаларида 3-босқича етиб бориши бўлди.

Шуни айтиши мумкини, айни кунда

Ирода ҳар қандай кучли рақибни бемалол кортга чакириб, баҳсласиши мумкин. Ирода Тўлаганова издошлири бўлган мамлакатимизда юзлаб ёшлар қўлларига ракетка ушлаб теннис сирсиноатларидан сабоқ олиш учун шайланиб туришибди. У чин маънодаги теннисимизнинг йўлчи юлдузицир.

"Туркестон-пресс"



БИЗ КУЗНИ КУТАПМИЗ...

ЖЧ—2002 II саралаш босқичи "B" гурухида Хитой термасини якка Фаворит дея айтилишлар тўхтамаяти. Яқинда Оман миллий терма жамоаси баш мураббий этиб сайланган германиялик Бернд Штанге ҳам шу фикрда. Ўзбекларда эса шундай мақол бор: "Жўжани кузда санайдилар". Куз келаверсинчи...


ПОЛВОНЛАРИМIZ ТЕХРОН ГИЛАМЛАРИДА

Етти кун мобайнода Техрондаги Осиё қитъаси биринчилиги учун ўн уч мамлакатдан 200 нафардан зиёд эркин ва юон-рум кураши усталари гиламда бел олиши.

Осиё биринчилиги беллашувларида эркин курашчиларимиздан етти нафари иштирок этишган бўлса, юон-рум кураши бўйича эса саккиз нафар курашчи юртимиз шарафини ҳимоя қилишиди. Эркин курашчиларимиздан 54 килограмм вазн тоифасида гиламга чиқсан ҳамюртимиз Бахром Эрматов фахрли 2-уринни кўлга киригтан бўлса, юон-рум кураши бўйича ўтказилган баҳсларда 50 килограмм вазн тоифасидаги полвонларимиз Хайрулло Абдулаев тўртинчи ўрин билан кифояланди.

Усмир полвонларимиз учун мазкур мусобақа август ойидаги пойтахтимизда ўтадиган жаҳон биринчилиги беллашувларидан олдин ўзига хос синов бўлди, десак муболага бўлмайди. Чунки, Осиё қитъасида юон-рум курашчилари нафақат минтақада, балки бутун дунёда кучли полвонлар қаторига киришади. Қиши ойларида Тошкентда эркин ва юон-рум кураши бўйича "Гран При" туркумидаги халқаро турнир бўлиб ўтган эди. Халқаро курашлар ассоциацияси юртимизда мазкур спорт турларини ривожлантиришдаги ўтиборни ҳисобга олиб, айнан пойтахтимизда нуфузли турнирларини ўтказишига қарор қилган. Бу эса ўз навбатида мамлакатимиз полвонларининг чет элларда қўлга киритаётган ютуқларидан далолат беради.

“SHOHMOT” MUAMMONOMASI



Aziz muxlislar! Avvalo quyida ta'riflanib, raqamlarda ifodalangan so'zlarni topib, ochqichni hal eting.

1. Shohmot o'yiniga oid adabiyotlar muallifi, vatanimizdagi taniqli shohmot targ'ibotchisi bo'lgan olim - 4, 5, 22, 7, 21, 7, 3, 10, 9.

2. Jahan championi bo'lgan AQSHlik shohmotchi - 14, 7, 11, 17, 6.

3. Shohmot donasi - 6, 5, 16.

4. Aqliy sport o'yining qadimiylari, ilk nomlaridan birlari - 11, 2, 8, 6, 2, 3, 20.

5. O'yining durang natija bilan tugallanadigan holatlari - 13, 10, 8.

6. Rossiya mamlakatida shohmot maktabiga asos solgan kishi - 18, 7, 15, 10, 6, 7, 3.

7. O'yin davom etishi tezligining vaqt birligi - 1, 5, 6, 19, 2, 8.

8. Shohmot maydonchasingin har bir dona qo'yiladigan qismi - 12, 2, 8, 2, 12.

Javob so'zlari asosida shakldagi raqamlarni mos harflar bilan almashtirib muammonomani yeching. Ulardan shohmotga oid ibratli so'z va uning muallifi bo'lgan, bir necha bor jahon championi, grossmeysterning nomini bilib olasiz.

Foziljon ORIPOV tuzdi.

GAZETAMIZNING SHU YIL 7 İYUL SONIDA BERILGAN MUAMMONOMA JAVOBHLARI.

1. Tutun. 2. Dutor. 3. Tuxum. 4. Sovun. 5. Tikon. 6. Radio. 7. Tariq. 8. Kitob. 9. Baloq. 10. Karam. 11. Qalam. 12. Qayiq. 13. Qozon. 14. Bulog. 15. Qulog. 16. Bodom. 17. Sigir. 18. Kiyim. 19. Kiyik. 20. Bilim. 21. Nuqta. 22. Tuman. 23. Quduq. 24. Paxta.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари Университети томонидан 1998 йилда Мўминов Абдулазиз Алижонович номига берилган 232505 рақами диплом йўқолганилиги сабабли
БЕКОР КИЛИНАДИ.

Бир одам улуф ҳакимнинг ёнига келиб деди:

— Икки дунё соодатини топмоқчиман. Бунинг учун нима килишим керак?

Ҳаким жавоб берibi:

— Илм ўрган, шунда икки дунёning соодатига эга бўласан.

— Ахир ўчиш-ёзишини билмайман-ку! Қандай килиб илм ўрганам?

Донишманд унга икки йил кунт билан илм ўргатиби. Жаҳолатдан қутқариб, илму ахлоқ билан зийнат берibi. У киши

1-Тошкент педагогика билим юрти томонидан 1989 йилда Маматова Дилфузда Мўминовна номига берилган МТ 968050 рақами атtestatat йўқолганилиги сабабли
БЕКОР КИЛИНАДИ.

илмдан лаззатланнибди. Тез фурсатда дунё ва охират соодатига эришибди. Кўнгил муроди мусасар бўлибди.

Киссадан ҳисса: Кимки или ўрганишда саъй-ҳаракат қилса, икки дунё баҳтини топади. Агар бу ишга болалик чоғидан киришса, натижага тезроқ эришади.

Изборы Мададкор

Искандар кўп молу давлат ва илмга эга бўлди. Устози Арастуни ўзига вазир қилиб олди ва доимо унинг маслаҳати билан иш юритди. Одамлар “Нега бундай қилаяпсиз?”, деб сўрадилар.

Шунда Искандар деди:

— Отам мени осмондан ерга

— Нима учун мактаб ҳакида ёзишган?

— Томми унга бир қараб кўйди да, деди:

— Чунки бу бизнинг мактабимиздек эмас. Бу эски, юзлаб йиллар аввали мактаблардан.

Маги хафа бўлиб кетди. У Томмининг елкаси оша бирор ўқиди да:

— Уларнинг ўқитувчиси бўлганми? — деди.

— Албатта, уларнинг ҳам ўқитувчиси бўлган.

— Инсон? Қандай килиб, инсонлар ўқитувчилик килишган? Хўп, майли, улар болаларга мавзуларни гапириб берсин, вазифалар берсин, лекин барибир инсонлар етарди даражада ақлли бўла олмайдилар.

— Албатта. Лекин дадам механик ўқитувчимиздек кўп билади.

— Йўк, бўлиши мумкин эмас. Инсонлар механик ўқитувчилардек кўп била олмайдилар.

— Биладилар, дадам кўп нарса билади, — деди Томми.

Магининг у билан баҳлашишга кучи етмади ва деди:

— Нотаниш одам, менинг, уйимда ўқитса, хеч ҳам хоҳламасдим.

Томми бирдан кулиб юборди.

— Эх, Маги, кўп нарсани билмай

сан-да! Ўқитувчилари уларнинг уйида яшамайди. Уларнинг маҳсус бинолари бўлади. Барча болалар ўша биноларга бориб ўқишиади.

— Вой ҳамма болалар бир хил нарсаларни ўрганишадими?

— Албатта, агар улар бир хил ёшда бўлсалар.

— Лекин ойим, ҳар бир бола ҳар хил ўқитилиши керак, деганди.

— Улар бундай қилишмаган. Ёқитирияспасми? Ўқимай кўявер.

— Ёқитирияспан деганим йўк, — деди Маги. У бу қизикарли мактаблар ҳақида ўқишини жуда хоҳларди.

Томми ва Маги китобни кизик ўқишар эди. Шу пайт Магининг онаси чакириб қолди:

— Маги, дарсинг бошланди, кизим!

— Бироз ўқий, ойижон, — деди Маги кўзини китобдан узмасдан.

Онаси яна чакириб қолди.

— Тезроқ бўл, Маги.

Маги бу китобга жуда қизик қолганди. Наилож, дарсга бориш керак. У Томмига ялинган оҳангда:

— Том, дарсдан кейин яна ўқисам майлими? — деб сўради.

— Майли, — деди Томми норозироқ оҳангда.

Маги дарсхонасига югуриб кирди. У ерда механик ўқитувчи уни кутиб турган эди. У деярли ҳар куни, шанба ва якшанба кунларидан ташқари, шу пайтда дарсда бўларди.

УЛАРГА МАЗЗА БЎЛГАН ЭКАН

ташлаб юбормайсан. Лекин бу китобни ўқиб бўлсанг, ташлаб юборишинг мумкин.

Маги кизикиниб:

— Буни қаердан топиб олдинг? — деб сўради.

— Ўйдан, — деди Томми, карасмадан юқорига ишора қилиб: — Чордоқдан тогдим.

У ўқиш билан банд эди.

— Нима ҳакида экан?

— Мактаб ҳакида.

— Мактаб? Мактаб ҳакида нима ёзишибди? Мактабни шундай ёмён кўрамани, — деди Маги. У дарсларни ёқитрасди. Лекин хозир ҳар доимигдан ҳам ёмён кўриб кетди. Механик ўқитувчиси унга география фанидан тест кетидан тест берарди. Маги тестларни ёмён бажаради.

Уша куни компьютер устаси — инспектор келганди. У компьютер билан ишлай бошлади. Инспектор механик ўқитувчини бўлакларга бўлиб ташлади. Маги инспектор механик “ўқитувчи”ни тикламаслигини жуда хоҳларди. Лекин инспектор уни тузатди. Чамаси бир соатлардан кейин, яна катта экран пайдо бўлди. Яна дарслар, саволлар кўринди. Лекин бу галги дарслар кийин эмасди. Магининг энг ёмён кўргани — компьютерга ёзма ишлар ва ўз вазифалари киритилиди.

Чунки унинг онаси бир хил пайтда дарсда бўлишини ўргатган эди. Экрон ёқилди:

— Бугун арифметика дарсида тўғри касрларни кўшишини ўрганамиз. Марҳамат кечаги ўз вазифани киритинг.

Маги хўрсаниб, ўз вазифасини киритаркан, ўша пайтдаги, бобосининг бобоси давридаги эски мактаблар ҳақида ўйлай бошлади.

Барча болаларнинг мактаб майдончасида ўйнаётганларни, синфонасида бирга ўтиришларни, кечки пайт дарсдан кеч қайтаётганларни, бир хил нарса ўрганётганларни, ўз вазифаларни бирга жаҳишларни ёйлидан ўтказар экан, ўқитувчilarни эса инсонлар бўлишганига хайрон қоларди.

Механик ўқитувчи экранда ярк этиб пайдо бўлди да:

$\frac{1}{2} \text{ га } \frac{1}{4}$

касрларни кўшсак, — деган ёзув чиққанида, Маги ҳали ҳам, ўша қадимги пайтдаги болаларни қандай севимли ва баҳтиларни бирга жаҳишларни ёйлиди. Уларга мазза бўлган экан, деб ўйлаб қолди.

Жаҳон Тиллари университети талабаси
Одина ФОЗИЛОВА
таржима қилди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими раҳбарияти ва жамоаси шу вазирликнинг умумий ўрта таълим бош бошкармаси бошлиғи Анвар Зокировга синглиси
ШОИРАНинг

вафоти муносабати билан чукур ҳамдардлик изҳор этади

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Кўмитасида № 20 рақам билан 12 июня 1998 йил рўйхатта олинган.

ИНДЕКС: 149, 150.

Г-2617. Тиражи 14.802.

Г. 1 2 3 4 5 6

Ҳажми 4 босма табок.

Офсет усулида босилган, көз бичими А-3.

Босишига топшириш вақти — 20.00.

Топширилди — 20.00

Ma'rifat

ТАЙСИС
ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва ўрта маҳсус таълим
вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба
уюнинаси Марказий
Кўмитаси.

Бош муҳаррир:
Халим САИДОВ

Таҳрир ҳайати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жумана зар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъуль котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Сайдулла ҲАҚИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ
«Шарқ» нашиёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-үй

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъудлар. «Ma'rifat»дан материалларни кўчириб босиши таҳририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилик кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъуль котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-54-23.

Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида

терилди. Pentium компютерида

<p